Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

29 сон
15-21 июл, 2004 йил

# ҚЎЛИ ГУЛ ЁШЛАР МАСКАНИДА...



***“Фарзандларимиз дунёдаги бошқа халқларнинг фарзандларидан зиёда бўлса бўлсинки, кам бўлмасин...” Бу - Президентимизнинг эзгу мақсади, давлатимиз фаолияти ва сиёсатининг бош мазмун-моҳиятидир.***

***Умр йўли ёруғ, толеи зиёда бўлиши учун ёшлар ҳаётимизга зарур***



***касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашлари талаб қилинади. Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфидаги А.А.Хўжаев номли Республика Дизайн коллежи раҳбари Шоносир Муродов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.***

- Инсон қўли, ақл-заковати, меҳри билан яратилган ҳамма нарсада гўзаллик бўлади, - дейди Шоносир Муродов. - Турмушимизда зарур бўлган буюмлар нафақат қўл меҳнати, балки юрак туйғулари, орзу-хаёллари, табиатдан олинган завқу шавқ билан яратилса, у санъат даражасига етади. Бундай буюмлар дунёсини яратишда дизайнерларнинг ўрни беқиёсдир. Демак, дизайнер кучли фантазияга эга рассом, кенг қамровли лирик табиатли инсон, юқори малакали инженер бўлмоғи лозим.

Нафосат масканимизда иқтидорли ёшлардан етук ижодкорлар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ўқувчилар билим сирларини мукаммал эгаллашлари учун яқиндагина таъмирдан чиқарилган кенг, ёруғ ва тўла жиҳозланган ўқув хоналари, ҳар бир мутахассислик учун техника ва ускуналар билан жиҳозланган устахоналар, ишлаб чиқариш амалиёт цехлари, мажлислар зали, кўргазмалар зали, кутубхона ва ошхона мавжуд. Спорт майдони, югуриш йўлакчалари ёшларнинг жисмоний чиниқишлари учун хизмат қилмоқда. Кўпгина йўналишларда тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб махсус кўргазмалар зали, замонавий катта спорт зали, шейпинг, гимнастика заллари, теннис корти, футбол, волейбол, бас-

даргоҳлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Ўтаётган ўқув йилимиз қувончли воқеаларга бой бўлди. Бутун жаҳон болалари ўртасида Словакияда ўтказилган кўрик-танловда Зебо Юсупова чизган расмлари учун кумуш медаль билан тақдирланди ва Европада нашр этиладиган махсус каталог журналига киритилди. ЮНЕСКО томонидан ўтказилган “XXII асрга СПИДсиз” мавзуидаги расмлар танловида 8 ўқувчидан иборат гуруҳ ғолибликни қўлга киритдилар ва ЮНЕСКО интернети сайтига киритилди. Шунингдек, анъанавий “Қўли гул уста” кўрик-танловида гиламлар ва гобеленлар лойиҳаловчи рассом гуруҳи талабаси Нилуфар Бекжонова фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

165 нафар битирувчининг 9 таси имтиёзли диплом олишди. 37 талабага эса Камолиддин Беҳзод номли Миллий Рассомчилик ва Дизайн институтига тавсиянома берилди.



**- Коллежга қабул қоидаси ва ундаги ихтисосликлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

Билим масканига 9-синфни битирган ёшлар танлаган соҳалари бўйича ижодий имтиҳон ва тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинади. Бугунги кунда коллежда реклама дизайнери, расмларни тайёрлаш, осма эълонлар, қадоқловчи қоғозларни ишлаб чиқариш, интерьерни лойиҳаловчи рассомлар, саноат дизайни, компьютер графикаси бўйича оператор-дастурчи, гилам ва гобиленлар лойиҳаловчи рассоми, кулол, бадиий нақш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкор, чинни буюмлар безаги бўйича рассом-дизайнерлар, либос, миллий кийимлар, шойи-атлас либослари, дўппи бўйича рассом дизайнерлар, чолғу асбобларини таъмирловчи, амалий графика рассоми, саноат маҳсулотларини лойиҳаловчи рассом, зардўзлик маҳсулотлари дизайнери каби 23 та мутахассисликлар тайёрлаш режалаштирилган.

**Жамшид ҒОЙИБОВ,**
**санъатшунос**

# ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВГА

*Қадрли Рустамжон ўғлим!*

*Сени аввавламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.*

*Бу нечоғлик улкан ютуқ эканини, дунёнинг манаман деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.*

*Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шукуҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.*

*Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамиз.*

*Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.*

*Сенга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, доимо омон бўл!*

*Ислом КАРИМОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти.*

# ҚАДДУ КАМОЛИНГ ЮКСАЛАВЕРСИН, ОНА ЎЗБЕКИСТОН!



***Халқимизнинг асл ўғлони Рустам Қосимжонов юртимиз тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди.***

***Ливиянинг Триполи шаҳрида ФИДЕ таъсис этган биринчиликда чемпионлик шоҳсупасига чиқиш учун финал баҳсида Рустам Қосимжонов британиялик Майкл Адамс билан учрашувда ўзининг ноёб иқтидори, истеъдодини намойиш эта олди. 24 ёшли Рустамжоннинг бу даражага эришувида онажониси Меҳринисо опанинг меҳрли, ардоқли тарбияси юртбошимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик халқимизнинг ишончи катта мадад бўлди.***

***Рустам Қосимжонов қозонган ғалаба барча юртдошларимиз қалбига ғурур, шавқ, ифтихор туйғуларини бахш этди. Фарзандларинг қадру қимматингни, қадди-камолингни баланд кўтараверсин, она Ўзбекистоним!***

# АСРГА ТАТИГУЛИК УМР



Қаҳрамонимиз Шомурод ота Шожалилов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Юртдошларимизнинг соғ-саломатлиги йўлида меҳнатини аямади. Тошкент вилояти касалхонасида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасида, Тошкент шаҳар пассажир транспорти шифохонасида масъул вазифаларда ишлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, Олий тоифали врач, Меҳнат фахрийси деган эъзозга эга бўлди.

Шомурод ота билан Махфират ая биргаликда оила қурганларига 50 йил бўлибди. Ўғиллари Шавкатжон, Шуҳратжон, Шерзоджон танлаган касбларининг устаси. Ўғиллар, келинлар, набиралар ҳамиша улар хизматига шай.

Ҳа, ярим асрлик оилавий ҳаёт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бир-бирининг кўз қарашидан томир уришини сезиш, кўнглини англаш, бир-бирларининг орзуларини рўёбга чиқариш учун интилиш, муҳими-ОИЛА отлиғ қўрғоннинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун бутун умр бедор бўлиш-оддий гапмас. Шомурод Шожалилов ва Махфират Исроиловадек отахон-онахонларимизнинг умрлари асрга татигуликдир.

**Гавҳар ШОМАНСУРОВА**

# АЁЛГА НЕ КЕРАК, МЕҲРДАН БОШҚА

**Суҳбатдошимиз Насибахон Солихўжаева - узоқ йиллар мактаб-маориф, давлат ва жамоат ишларида хизмат қилган. Бугунги кунда кексалик гаштини сурмоқда. Аёллар ҳаётига тегишли ҳар бир ЯНГИЛИКка Насибахон опанинг ўз муносабати бор.**

**- Насибахон опа, кўп йиллар хотин-қизлар билан ишлагансиз. Президентимизнинг Республика хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлашга бағишланган Фармонини ўқиркансиз, кўнглингиздан нелар кечди?**

- Отам раҳматли айтардилар: “Аёлга эътиборсизлик бўлдими (хоҳ у уйда бўлсин, хоҳ ишда бўлсин), ўша жойда парокандалик бўлади...” - деб. Аёл аҳвол-руҳияти кўп жиҳатдан хотин-қизлар қўмиталари ишига боғлиқ. Аёлга кўп нарса керак эмас - уйида тинчи бўлса, болалари тўқ ва севган иши тайин, эркагининг бир оғиз малҳам гапи бўлса - унинг “бахти тугал”. Аммо ҳамма жойда ҳам аёлларимизнинг “бахти тугал” эмас-да. Майли, шаҳарлик аёлнинг ҳар ҳолда шароити яхши десак, қишлоқлардачи?! Аёлнинг дарди ичида. Хотин-қизлар қўмиталарига арзини айтишгача етолмайдиганлари бор. Айтилган “ҳасратлар” эса гоҳо у қулоқдан кириб, бу қулоқдан чиқиб кетилган онларига кўп дуч келганман. Бу нимадан? Хотин-қизлар қўмиталарининг иши сусайиб кетганлигидан, уларни қўллаб-қувватловчи бақувват ҳамкорлар камлигидан деб биламан. “Тепа”га сўзи ўтмаган, ўз ҳақ-ҳуқуқини танимаган “катта майдондаги” воқеалардан бехабар аёлни эса йўлдан адашиши жуда осон. Айниқса (ўзи саводсиз) “отинча”лар дин номидан қиладиган даъватлари ундай аёлнинг “оғриқларига малҳам”дек бўлади. Натижада айрим хотин-қизларимиз вазият қурбони бўлиб қолаяптилар. Менимча, эл орасида дабдаба билан юрадиган, тўй-маъракаларга бориб “тўр”ни эгаллайдиган отинларимизни ҳам аттестациядан ўтказиб туришимиз керак. Ана ўшанда уларнинг фикрлари тиниқиб, тарғиботлари яхшиликка хизмат қилади.

**- Хотин-қизлар қўмитаси хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этадиган тузилма. Жойларда бу тузилмалар ўз вазифаларини рисоладагидек уддалашяптими?**

- Аслини олганда, раҳбарлик вазифаларида ҳар томонлама тўкис, яъни билимдон, шиддатли, муомалали, инсон қалбининг инженерлари, дейишга арзигулик кадрлар ишлаши керак. Аммо баъзи хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари ўзидан ҳеч ташаббус чиқмайдиган, “юқори”дан қўйилган назоратчидек гап. Ахир Президентимиз айтаяптилар-ку, қўмита раҳбарлари оддий аёлларнинг вакили, уларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган, улардан узилиб қолмасдан, уларнинг кўнглидагиларини керакли идораларга, одамларга етказиш, рўёбга чиқариш учун ўз кучини, билимини аямаслиги керак. Маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раисаларининг айримлари миллий урф-одатимизни, анъаналаримизни билмайдилар. Улар қандай қилиб маҳалла тўй-маъракаларини йўлга қўя оладилар? Ҳолбуки, қўмита вакиллари маҳалла хотин-қизларининг қобилиятини, имкониятини кўра оладиган, уларга шароит яратиш учун биргалашиб ҳаракат қиладиган, ҳар томонлама тадбиркор бўлиши лозим. Ана ўшанда аёллар уйда ўтириб қолмайдилар, иш билан банд бўладилар, ўзларини ўзлари ҳимоя қила оладилар. Оиладаги жанжаллар барҳам топади. Аёл ўз жони ўзига, атрофдагиларга кераклигини англайди.

**- Хотин-қизлар қўмиталарининг ёшлар тарбиясидаги роли ҳақида нима дея оласиз?**

- Бу масала хотин-қизлар қўмитасининг энг асосий вазифаларидандир. Чунки оила, мактаб - тарбия ўчоғи ҳисобланади. Мактабда эса ўқитувчиларнинг 90% аёллар. Уларнинг билим даражаси, дунёқараши, савияси маҳалла, туман хотин-қизлар қўмиталарининг эътиборида бўлиши керак. Ўқитувчи аввалambор ўзи тарбияланган бўлиши лозим. У болаларнинг тақдирига ота-онадан ҳам кўра кўпроқ масъул. Негаки, ўқитувчига шунинг учун маош тўланади. Ота-она боласининг тақдирини унга ишониб топширган. Ҳозирги пайтда ўқитувчилар дарсдан кўра, репититорликка кўпроқ куч сарфлашади. Ҳолбуки, ўша билимни ўқувчига тўлалигича сингдириши шарт-ку! Оқибатда болаларнинг мактабга, ўқишга қизиқиши сустлашиб қолган. Ахир: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”-ку!

Бундан кейин гоҳо зангори экран орқали кўрсатилаётган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган сериалларга барҳам бериш лозим. Шу ўринда “Қизлар davраси” кўрсатувига ҳам эътирозим бор. Кўрсатув ҳамма ҳам кия олмайдиган - қимматбаҳо либослар-у, зебу зийнатлар ва санъат тарғиботи бўлиб қолаяпти. Кўрсатув қизларга “ниманидир” ўргатса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу муаммо ҳам хотин-қизлар қўмиталарининг эътиборидан четда қолмаслиги керак деб ўйлайман.

Умуман матбуотда хотин-қизларнинг амалга ошираётган ибратли ҳамда танқидга лойиқ ишлари ёритилиб турилса, “ИШ” анча жонланиб қоларди.

**- Туманларнинг айрим чекка қишлоқларида тиббиёт пунктлари номигагина ишлайди. Хотин-қизлар шаҳар марказига келиб, мутахассис кўригидан ўтишга қийналадилар. Натижада “яра газак олиб” аёлларни қатор касалликлар ўз домига тортиб кетаяпти. Бу ҳолга хотин-қизлар қўмиталари бефарқ қараб туришмаса керак?**

- Албатта, аёлга тааллуқли ҳар қандай ҳаракатга қўмита аъзоларининг аралашишга ҳақлари бор. Бу манзарага ишлаб юрган давримда кўп дуч келганман. Чекка қишлоқларга бориб, аёлларнинг аҳволи билан танишганимда, тиббиёт ходимлари келишганини, аммо шифокорларнинг ҳеч қандай махсус тиббиёт асбоблари бўлмаганидан дардларига чора тополмаганларини айтгандилар. Суриштириб билсам, узоқ ҳудудларга энди ишга келган, тажрибасиз тиббиёт ходимлари юборилган, улар “бордингми-бординг” қабилида ишлашган. Мана шу жойда қўмита аъзолари қаттиқ туриб, энг яхши мутахассислардан гуруҳ тузишса, улар замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланса анча кўнгилсизликларнинг олди олинарди. Зеро, Президентимиз **“Хотин-қизлар, аввало қишлоқларда яшаётган опа-сингилларимиз орасида бизнинг эътиборимиздан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар борлигини ҳам таассуф билан тан олишимиз керак”,** - деб бежизга таъкидламаганлар. Ўйлайманки, биз хотин-қизлар ҳам биргалашиб Фармонда таъкидланган кўрсатмаларни амалга оширишда қўмиталарга кўмаклашишимиз лозим.

- “Хотин-қизлар қўмиталари ўзида, аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган тузилма” экан, уларнинг жонбозлиги билан аёлларимиз ҳаётида бундан кейин беқиёс янгиликлар, яхшиликлар юз кўрсатишидан умидвормиз. Суҳбатингиз учун ташаккур.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

Фармон ва ижро

# ИШОНЧ... САДОҚАТ... МАСЪУЛИЯТ ОРАЛИҒИДА



***Ёқутхон Раджапова- Тошкент шаҳар, Юнусобод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:***

- Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастурида “...Хотин-қизларни маънавий ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-русумлар ўтказилишида бош-қош бўладиган аёлларнинг имкониятларидан фойдаланиш” кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Айни вақтда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, хотин-қизларни ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари томонидан ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга фаол жалб этиш, фуқаролар йиғинлари раҳбарлари таркибига киритиш, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни сезиларли даражада яхшилашга кўмаклашиш кераклиги уқтириб ўтилгани ҳам бежиз эмас. Биз ҳам диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига номзодлар тайёрлаш ишини бошлаб юбордик. Навбатма-навбат маҳалла фаоллари кўрсатган номзодларни суҳбатдан ўтказаяпмиз. Ўз маҳалласида обрў-эътиборга эга бўлган, оилали, кўпни кўрган, сўзи ўткир онахонларни сайладик. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар бердик.

Туманимизнинг чекка ҳудудларидаги маҳаллаларда яшовчи аёллар билан суҳбатлар ўтказаяпмиз. Тан олишимиз керак, кейинги пайтларда биз аёллардан анча узоқлашиб кетгандик. Арзимаган муаммоларга андармон бўлмай, жамоат ташкилотларида ишлайдиган уддабурон, ишбилармон, ташкилотчи аёлларнинг ҳаёти билан ҳам қизиқишимиз, ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Хотин-қизлар қўмитасида мутахассислик лавозими қайта тиклангани биз учун айни муддао бўлди. Аёллар муаммоси билан ишлаш осон вазифа эмас. Чунки аёл ишонч...садоқат...маъсулият оралиғида яшайди.



***Мутахар Хонсаитова- “Умид” маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси:***

- Маҳалладаги ёши улуғ отахон-у, онахонларда ҳаётий тажриба, сабр-қаноат манбаи жуда кучли. Кексалар ёшлар билан қандай муомала қилишни яхши билишади. Оиласидан тиниб-тинчиган, келин-куёвлар кўриб пиру-бадавлатлик гаштини суриб юрган кексалар учун ҳам маҳаллада аҳоли билан ишлаш завқли. Ўзим ҳам бир кун маҳаллага чиқмай қолсам ҳаёт тўхтаб қолганга ўхшайди. Бизни анчадан буён бир масала қийнаб келади. Хотин-қизлар қўмитаси фаолларига ҳам маҳалла гузаридан алоҳида бир хона ажратиб берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бизни ҳузуримизга келган аёллар ўз муаммоларини бошқалар олдида ошкора айтишга ийманишади. Кўпчиликка овоза қилмай, ими-жимида ҳал этиш керак бўлган масалаларга дуч келиб қолсак бошимиз қотади. Бир-биримизга кўнгилдош, кўмакдош бўлиб яшашга нима етсин...

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.**

## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорининг изчил бажарилишини таъминлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг шу йилнинг олти ойи давомидаги фаолияти натижаларига якун ясалди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоеванинг, ҳокимликлар, вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Ахборот

Ўзбекистон республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Т.Иномова бошқарган мазкур йиғилишда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган мақсадли дастур ижросига жиддий эътибор қаратиш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Ўз мухбиримиз**

## САЙЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида “Парламент журналистлари клуби”нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2004 йилда ўтказиладиган сайловлар, сайланадиган Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг тузилиши ва фаолияти ҳақида суҳбатлашилди. Суҳбатни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа раҳбари, юридик фанлари номзоди - Хайрулла Рўзметов олиб борди. Кўпчиликни қизиқтирган савол-жавоблар ва фикр-мулоҳазалар муҳокама қилинди.

**Лола АҲМЕДОВА**

# “МЕҲРИБОНЛИК УЙИ”ДА

**“Меҳрибонлик уйи”га кириб борганимда у ердаги умумий аҳволнинг илгаригига нисбатан анча юқорилашганига гувоҳ бўлдим. Кимдир спорт, кимдир китоб ўқиш, яна кимдир ҳунармандчилик тўгаракларида машғулотлар билан банд экан.**

**Бир қарашда ҳаммаси ўз ўрнида, рисоладагидек... Лекин мени энди яна бир туйғу қийнарди. Бу даргоҳда тарбия олаётган болажонларнинг қалблари-чи?! Бу имконияту бекаму кўст яшаш шароити уларнинг кемтик дилларини армонлардан аритолдимикан?**

## УЛАР СИЗНИ КЕЧИРАРМИКАН?!

- Бу ерга келиб қолган болажонларнинг ҳар бири бир қисмат, ҳар бирининг тақдири бир китоб бўлгулик фожеа, - дея сўз бошлади бош тарбиячи Бибигул Ўринова. - Бу даргоҳда ўтган 8 йиллик умрим давомида не-не инсонларга дуч келмадим, не-не воқеаларга гувоҳ бўлмадим...

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозирда масканда тарбияланаётган 115 нафар боланинг чин етими 11 нафар, ярим, яъни ё отаси, ё онаси ҳаёт бўлганлари 15, никоҳсиз туғилганлар 20, кам таъминланган оила фарзандлари 35, нотинч оилалар (ажралишган) фарзандлари эса 33, ташлаб кетилган бола бир нафарни ташкил этади.

Қаранг-а, арзиган-арзимаган сабаблар билан ажралиб кетаётган эр-хотиннинг касри ёки никоҳсиз туғилиши оқибатида қанчадан-қанча норасидалар ота-она оила бағрида униб-улғайишдек бахтдан бенасиб... Бундайлар ўзларининг тинчини фарзандлари бахтию келажагидан устун қўйишса?!

- Оналар бор... дилбандини ноиложликдан бу ерга бошлаб келади. Уларни бир-биридан ажратиш чоғи йиғлаган ҳам йиғлайди, йиғламаган ҳам. Оналар бор... фарзандини бизга топшириш учун олиб келганда ўзларини хор-зор қилиб кўрсатишади, киши раҳмини келтиришга уринишади, - дея сўзини давом эттиради бош тарбиячи. - Бироқ кўп ўтмай уларни кўча-кўйда кўриб қолиб ҳайратдан ёқа ушлаймиз; башанг кийинган, атир-упага беланган... йўлларига интизор боласи борлиги ҳам ёдидан кўтарилган - беғам...

Баъзан кўзлари соғинчдан гирён бўлиб, ота-оналари йўлига кўз тикиб ўтирган болажонларни кўриб ўпкам тўлиб кетади. Наҳотки, кун келиб вақтинчалик кайфу сафо учун болаларини меҳрга зор этганларнинг ўзлари унга интизор бўлишмаса?! Бугунги кўнгилхушликлар улар бошига қора кунларни бошлаб келишини билишмаса?! Дилбандларини унутган ёки уларни ойда-йилда бир йўқлайдиган ота-оналарга: “Бу қилмишларингиз учун вақти келиб бармоғингизни тишлаб, аттанг деб қолманг. Сўнгги пушаймон-ўзингизга душман бўлиб қолмасин. Чунки дилбандингиз бугун бўлмаса эртага ўз тақдиридан хабардор бўлади. Шунда у сизни кечирармикан,- деймaн ҳар гал.




## БИЛИМГА ТАЯНИБ

“Меҳрибонлик уйи” директори Людмила Юрикова ва директор ўринбосари Мирзоҳид Икромов ҳамроҳлигида болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишар эканмиз, барча қулайликларга эга спорт залида машғул кўплаб болаларни завқ билан кузатдик. Дилбар Бозорова ҳамда Гулмира Жумаевалар етакчилик қилаётган миллий ҳунармандчилик тўгараги аъзолари томонидан бажарилган ишларни кўриб ҳайратландик. Кутубхоначи Светлана Пуйшанинг болажонлар учун ниҳоятда куюнчаклигидан қувондик.

- Кутубхонамиз дарсликлар, рус адабиёти ҳамда кирилл алифбосидаги ўзбекча бадиий адабиётларга бой,-дея сўз бошлади кутубхоначи опа.- Аммо лотин ёзувидаги бадиий китобларга эҳтиёж тобора ортаяпти. Китоб эса етишмайди. Миллий энциклопедия китоби ҳам бўлганда-ку, нур устига аъло нур бўларди. Чунки бу даргоҳда тарбияланаётган болаларнинг келажакда ўз йўлларини топиб кетишлари учун билим олишнинг аҳамияти ниҳоятда катта... Уларнинг келажаги фақат билим ва тажрибага таянади, ахир...




## АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЯЖОН!

Турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаётган бу даргоҳда энг эътиборли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу уларнинг тарбиячи опалари ва бир-бирлари билан фақат давлат тилида сўзлашишлари эди.

Қўлларини кўксига қўйган болажонларнинг Л.Юрикова ва бошқаларга самимий тавозе билан "Ассалому алайкум, аяжон!" деганларида, аввалига бу уларга мажбурият этиб юкланмаганмикан, дея ўйланган эдик. Ҳолбуки: «Бу болаларнинг ўз хоҳишлари асосида амалга оширилди», - дея изоҳ бера бошлади Л. Юрикова фикримизни уққандек. «Ахир биз каттакон оила фарзандларидек улғаяётган эканмиз, келинг бир тилда мулоқотда бўлайлик», - дея таклиф қилишди уларнинг ўзлари.

* * *

**“Меҳрибонлик уйи” ҳаёти билан тўлиқ танишган бўлсак-да, қандайдир куч бизни бу даргоҳда ҳамон боғлаб турарди. Бу - ота-онаси ҳаёт бўла туриб ушбу даргоҳдан паноҳ топган болаларнинг аччиқ қисматини билишга бўлган қизиқиш эди. Баъзи болалар билан дилдан дардлашдик...**

## ОНАЖОН, СИЗНИ СОҒИНДИМ...

- ...Бу ерга келиб қолганимга ҳам бир йилдан ошди, - дейди 11-12 ёшлардаги қизалоқ. Оилада 5 нафар фарзанд эдик. Онам қўшиқчи, дадам эса новвойчилик қилардилар...

Аммо уйимизда тинчлик йўқ эди... Дадам ичиб келиб онам билан жанжаллашгани-жанжаллашган эди. Ҳар тонг, ҳеч бўлмаса бугунги кунимиз тинчгина ўтармикан, дея ҳадиксираб уйғонардик... Сўнг ота-онамиз ажралишди. Биз бувимизнинг - онамнинг онаси қўлида қолдик. Бироқ бувимизга ортиқча юк бўлганимизни ҳис этиб қийналардик. Умрлари қисқа экан, ёки бунга онамнинг уйдан бутунлай кетиб қолишлари таъсир қилдими, ҳар қалай... - қизалоқнинг ўпкаси тўлиб кетди. - Шундан кейин тоғам бизни шу ерга олиб келиб топширдилар.

- Ота-онангиз ҳаёт эканлар, келиб туришадими?

- Фақат дадам... ҳар замонда... ўшандаям ичиб келадилар...

- Демак, онангиз...

- Уларни жуда-жуда соғиндим... Қанийди яна аввалгидек, бир оилада жамулжам яшасак...

## ФИРИБГАР, ДАСТИНГДАН СЕНИНГ...

- Жуда бой-бадавлат бўлмасак-да, бироқ бахтиёр эдик. Ўзимизга яраша уй-ошиёнимиз бўлиб, уч нафар фарзанд ота-онамиз бағрида хотиржам униб-ўсардик... - қизалоқнинг кўзларига ёш тўлди. - Аммо бу кунлар ҳам ўткинчи экан... Мен билмаган аллақандай сабаблар туфайли ота-онам ажрашишди... Биз фарзандлар 1 хонали уйда онамиз билан қолдик. Олаётган маошлари ниҳоятда кам эди. Яхшироқ иш топиш учун анча уриндилар. Бироқ... Кунлардан бир куни бир аёл онамни катта ойлик берадиган ишхонага ишга жойлаштирмоқчи бўлиб, қанчадир пул кераклигини айтибди... Онам бўлса: «Қандай бўлмасин, “ёғли” ишхонага жойлашиб олсам бўлди»,- дея таниш-билиш, қариндош-уруғларимиздан қарз сўрадилар. Аммо ҳеч ким... Қолаверса, қарзларимиз кўпайиб борарди. Шундай қилиб, онам бошпанамизни сотишга қарор қилдилар.

- Кўчада қолиб кетишдан қўрқмадилармикан?- ташвиш ичида сўраймиз қизалоқдан.

- Бошқа иложимиз қолмаган, бирданбир умидимиз катта ойлик берадиган ўша ишдан эди.

- Хўш, кейин-чи, ҳақиқатан сизлар ўйлагандек бўлдими?

Қизнинг лаблари пир-пир учиб, елкаларини силкина бошлади. Юзини қўли билан бекитганча йиғлаб юборди...

Воқеанинг давомини кейинроқ бош тарбиячидан эшитишга тўғри келди. Афсуски, пулни олиб кетган фирибгар қайтиб қорасини кўрсатмабди... Она охири ноилож фарзандларини шу ерга бошлаб келибди...

* * *

**Инсон қалби... Қанчалар нозик, қанчалар беҳаловат... Уни на тўкин дастурхон ноз-неъматлари билан, на қимматбаҳо кийим-кечак билан овлаб бўлмаслигини болажонлар нигоҳида акс этган армону соғинчдан яққол англадик. Оила бағри, ота-она меҳридан ҳеч бир дил бенасиб бўлмасин, деган ният кечди кўнглимиздан.**

**Дилбар РАЗЗОҚОВА,**
**Навоий вилояти.**

# ОЛТИН ЁЗ ҚУВОНЧИ - БОЛАЛАРГА



*“Меҳр ва мурувват” Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалардаги болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрия тадбирларини ўтказмоқда. Жумладан, “Оқтош” дам олиш оромгоҳида 51 нафар кам таъминланган ҳамда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандлари дам олиб қайтдилар. Иккинчи мавсумга яна 50 нафар боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари жўнатилди. Бу масканда болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.*

**Сувратчи — М.МИРСОДИҚОВ**



***

*Яқинда “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Бахт” оромгоҳида дам олаётган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган болаларга инсонпарварлик ёрдамлари топширилди. Шунингдек, оромгоҳда дам олаётган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Жамғарманинг мутахассислари бошчилигида “Гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт” давра суҳбати ўтказилди. Оромгоҳга дори-дармонлардан иборат мурувват ёрдами ҳам топширилди.*

*Ўз мухбиримиз*

# УМИДИМ ҚОЛМАГАНДИ

**Миннатдорчилик**

Яқинда ўғлим Баҳодир беш ярим соатлик операцияни бошидан кечирди. Унинг аҳволи жуда оғир эди. Тўғриси, жони омон қолишига умидим қолмаганди. Қўли гул жарроҳ Бахтиёр Исроиловдан чексиз миннатдорман. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан Оллоҳ жигар порамни қайтариб берди. Илоҳим қўллари дард кўрмасин. Фарзандларининг камолини кўрсин. Шу инсон қаторида анестезолог Рустам Матёқубовга, ҳамширалар Корьякина Юля, Ли Мартага ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Одамлар бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлиб юришларини тилайман.

**Ақида ФАЙЗУЛЛАЕВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Тошкент тумани,**
**Ҳасанбой ж/х.**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ЭСКИ ПАЙПОҚ ВОҚЕАСИ

- Отамнинг эски пайпоғини, кўз қорачиғимдек сақлаганим учун кўпчилик, ҳатто, оила аъзоларим ҳам энди менга ғалати қарашади, - дея гап бошлади Мукамбар исмли, аёл. - Чунки, кўзимнинг очилишига шу сабаб бўлди. Ҳаммага бу гапни тушунтириб ўтиришга имконим бўлмаганлиги сабабли таҳририятга келдим. Балки, бу воқеа бошқа одамларга ҳам ғалати туюлар. Лекин бу катта сабоқ эканлигини ўзим биламан.

**- Пайпоқ, пайпоқ деяпсиз... Шу воқеани тўлалигича сўзлаб беринг. Эҳтимол, чиндан ҳам кимларгадир ибрат бўлар... - дедим.**

- Жуда ўқимишли, бадавлат, обрўли оиланинг энг катта фарзандиман. Мендан кейин икки синглим, икки укам бор. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Фақат мен ўқишга унча қизиқмадим. Амаллаб савдо техникумини тугатиб, дўконда ишлай бошладим. Кўп пул топа бошлагач, бошқа нарсага қизиқмай қўйдим. Ўқиб, маош олиб ишлайдиган одамлар кўзимга жўн кўрина бошлади. Укаларим, сингилларим институтларда аъло баҳоларга ўқишар, келгусида қиладиган ишлари, режалари ҳақида маслаҳатлашишарди. Мен эса буларга аралашмас, аксинча кулиб ўтирардим. "Ҳаммаси пулга боғлиқ", - дердим ва пул топиш борасидаги ишларимни кучайтирардим. Турмуш ўртоғим ҳам ўзимга ўхшагани учун ғоятда бахтиёр эдим. Ҳашаматли уй, пул, машина... Ҳаммасига эришдик. Аммо, кундан-кун ота-онамдан, ука-сингилларимдан узоқлашаётганимни сезсам-да, парво қилмасдим. Ота-онамнинг ўзлари гоҳо мени кўргани келар, баъзан анча насиҳат қилишиб, сўнг кетишарди. Мен эса уларни кўргани боришга вақтимни қизғонардим. Отам менга:

- Сен кимга тортдинг-а, болам? Қолган тўрт болам бир оламу, сен эса бутунлай бошқачасан. Сендаги меҳру оқибат қайга кетди? Ахир мендан кейин сен уларга бош-қош бўлишинг, укаларингга маслаҳатгўй бўлишинг зарур. Бойлик қўлнинг кири, оқибатни унутманглар. Тўғри, бойлик ҳам керак. Аммо, бойлик дея жигарбандларингдан кечиб кетишинг яхши эмас, - дерди. Очиғини айтсам, бу гаплар у қулоғимдан кириб, бу қулоғимдан чиқиб кетарди. Шундай қилиб йиллар ўтди.

Тинимсиз ишлаганимиз боис, беҳисоб молу давлатга эга бўлдим. Ука ва сингилларимда мендек давлат бўлмаса-да, улар жуда ҳам бахтли, шод ва



тез-тез йиғилиб туришарди. Мени эса қувонч тарк этганди. Баъзан тўйларга борсам ҳам уларга унчалик қовуша олмасдим. Қўша-қўша билагузуклардан билакларим толиб, юрагим сиқилиб уйга қайтардим. Менинг уй тўрида тўрсайиб, аранг еб-ичиб ўтирганимни кўрган бошқа жигарларим ҳам бунга кўникишди, шекилли, бора-бора менга, қовоқ-тумшуғимга ортиқча эътибор бермай қўйишди. Синглим тиббиёт бўйича номзодлик диссертациясини ёқлагач, отам қувониб ҳаммамизни йиғиб зиёфат қилиб берди. Ўзи ҳам уйига чақирди. Уй-жойни ўзлари йиллаб қуришди. Иккита гиламу битта "стенка"сидан бошқа нарсаси йўқ. Эри ҳам фан номзоди бўлибди. Иккита миркуруқ, иккита боласи билан бирам шоду-хуррамлигини кўриб ҳайратландим. Чунки, кейинги йилларда айнан шу нарсани, ҳаётдан завқланиш, қувонишни ҳис этмай қўйгандим. Шу орада отам оғир касал бўлиб қолди. Қанча қаратдик бўлмади. Шундан сўнггина ташвишга тушиб қолдим. Нима бўлганда ҳам доимо отамга суяниб келардим. Салобатли, меҳрибон ва насиҳатгўй отам энди бир ҳовучгина бўлиб ётарди. Мен эса вақтида унинг насиҳатларини ўзимга олмаганим учун виждоним қийналарди. Бир куни кечаси отамнинг анча аҳволи оғирлашди. Шунда у мени чақиртирди.

- Ўтир, қизим. Гапларимни диққат билан эшитгин. Қизим, сени пул топганинг учун айбламайман. Бу ҳам керак. Аммо... Укаларингга пул бермасанг ҳам меҳр бер. Яхши сўзингни дариғ тутма, болам. Уларга бош бўлгин. Яна бир сўзим, васиятим бор сенга. "Анави шкафнинг ичидаги оқ пайпоғимни олиб бер!", - деди. Мен эски, анча «сузилиб» қолган оқ пайпоқни олиб отамга узатдим.

- Қизим! Мен ҳам умр бўйи яхши ишларда ишладим, уй-рўзғор қилдим. Топган катта бойлигим, сизлар беш нафар фарзандларим бўлдингиз. Ҳаёт шамим сўниши олдидан дилимдаги охирги тилагимни айтмоқчиман. Шу пайпоғим менга жуда қадрли, азиз. Мен вафот этганимдан сўнг, ювғучи ғассолдан илтимос қил. Керак бўлса сўраганича пул ҳам бергин. Ювиб кафанлашаётганида шу пайпоғимни менга ими-жимида кийдириб юборсин. Агар шуни қилмасанг сендан рози эмасман, - деди.

**- Сиз шундай қилдингизми?**

- Афсус! У вафот этгач, ювғучини четга чақириб отамнинг васиятини айтгандим, ювғучи қаҳр билан мени койиб берди. "Ҳали ҳеч ким у дунёга кийим олиб кетмаган. Фақат кафанланади. Сен менинг ишимга аралашма", - дея ҳайдаб солди. Отамни дафн қилиб келгач амаким мени чақириб, қўлимга бир хат берди. Отам берган экан.

"...Мана, кўрдингми қизим! Инсон бу дунёга келиб шунча бойлик топгани билан у дунёга фақат бир чўзим кафанга ўралиб кетади, холос. Ҳаммаси қолади ортингда, сен шуни унутмасанг бўлди! Уқдингми! Бу гапимдан тегишли хулоса чиқариб олдинг, деб ўйлайман!"-деб ёзилган экан мактубда.

Оҳ синглим! Доно отам насиҳат қилиш бефойдалигини сезиб, мени айнан шу йўл билан эсимни киритишни ўйлаган экан-да. Энди хатоимни тушундим. Мотамсаро укаларим, сингилларимни ҳам мендан анча олислаб юришаётганини сездим. Наҳотки, уларга яна яқин бўла олмасам? Улар менга суянишмоқчи бўлишганида ўзим улардан нари кетгандим. Энди бўлса... Уларнинг менга азиз эканлигини тушундим. Юзим шувут. Энди нима қилай? Жигарларим билан яна илгаригидек топишиб кета олармиканман?

***Аёл кетгач унинг отаси ҳақида ўйладим. Чиндан ҳам у ақлли, олижаноб инсон экан! Мукамбар опа эса яна жигарбандлари билан самимий муносабатини йўлга қўйиши зарур. Энди уларни қовуштиргувчи отаси йўқ. Отасидек ақл билан иш тутиши, унингдек меҳрли бўлиши керак. Фақат ўзигина бу муаммони ҳал этиши, яна жигарларининг севимли онаси бўлиб қолиши мумкин. Сизнингча у ука-сингилларининг меҳрини яна қозона олармикан?***

**БАСИРА**

*Қўнғироқларингиз...*

# ЖАЗОНИ ЎЗИМ БЕРМОҚЧИ ЭДИМ...

- Мен Гулистон шаҳридан қўнғироқ қилаяпман. Биласизми, бугун шундай тушкун аҳволдаманки, охирги илинжим сизлардан, маслаҳатингизга муҳтожман... - дея йиғламсираган кўйи гапирди аёл.

***- Нима бўлди ўзи, сабабсиз тикан кирмайди, дейишади.***

- Тўғри айтасиз, авваламбор шу аҳволга тушишимга ўзим сабабчиман... Мактабни тугатганимда бир биримизни ёқтириб юрган қўшни йигитдан совчи келди. Аммо отам: "Улар бизнинг тенгимиз эмас, уйида сичқон ҳасса таяниб юради-ю, менинг қизимнинг косаси оқарармиди", - дея совчиларни қайтарди. Мен йиғлаб қолавердим.

Кўп ўтмай, отам бойвачча бир ўртоғининг ўғлига узатиб юборди. Куёв бўлмиш ҳам мансабдор эди.

- Бошида турмушимиз ёмон эмасди. Аммо вақт ўтган сайин бўлар-бўлмасга бақирадиган мени менсимайдиган бўлиб қолди. 3 қиз кўрдик. Эримнинг эса кечқурунги юришлари - "мажлислари" авж олди.

**- Бундай ҳолатдан қайнона-қайнотангиз хабардормиди?**

- Биз алоҳида яшардик. Уларга бу ҳақда айтишни лозим топмасдим. Эрим эса тобора ҳаддидан ошарди. Ҳаммани оёғининг учида кўрсатарди. Менинг қариндошларим уйга келиб қолишса, уларга орқасини ўгириб ўтирарди. Охирги пайтларда уйимдагилар ҳам келмай қўйишди. "Шу эрингнинг турқини кўрмайлик. Ўзинг келиб тур", - дейишарди. Отам эса онамга: "Вақти келиб куёвнинг ҳам ақли кириб қолар, қизингга айт, сабр қилсин", - дерканлар.

Бора-бора эрим ҳар хил хотинларни "бирга ишлаймиз", деб уйга олиб келадиган одат чиқарди. Биз қизларим билан ошхонада ўтирардик. Овқат, ноз-неъматлар, ичкилик ҳамиша дастурхонда муҳайё эди. "Ҳалақит берманглар", - деб эрим уйга бизни киритмасди. Бир куни эшикни тақиллатиб, "димлама"ни бераётсам, иккала аёлнинг шоша-пиша ич кийимларини кияётганларига кўзим тушди. Шаҳд билан ичкарига кирганимни биламан, эрим юзимга тарсаки тортиб юборди. "Мен сенга бизга халақит берма, девдим-ку! Кўрдингми, ажаб қилибсан, энди бор, ишингни қил",-деди.

Мен нима қиларимни билмай, қотиб қолган эдим. Эрим эшикни тарақлатиб ёпгандагина ҳушимга келиб, ҳўнграб йиғлаб юбордим. Қизларим ҳам бу манзаранинг гувоҳи бўлишган.

***- Қизларингиз неча ёшда эди?***

- Каттаси 17, ўртанчаси 15, кичиги 12 ёшда эди. Улар ҳам оқ-қорани таниб қолишганди. Айниқса катта қизим: "Онажон, келинг, шу уйдан бош олиб кетайлик. Сизнинг хўрланишингизни истамайман", - деб кўп ёлворарди. Қаёққа ҳам борардим, отам қаттиқ касал бўлиб ётиб қолгандилар. Акаларим оиласи билан ўша ҳовлида яшашарди.

**- Эрингизнинг ота-онасига маслаҳат солмадингизми?**

- Эй, сингил (овозингиздан мендан ёшга ўхшаяпсиз), бордим... Аммо қўнғиз ҳам боласини "оппоғим" деркан, "ёшликда, кейинчалик ўзига келиб қолар, чида, еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлса..." - дейишди. Чорасиз уйга қайтдим. Бир сафар ишхонасига бориб арз қилмоқчи эканлигимни айтганимда, эрим: "Каттароғига бормайсманми, менинг пулларим ҳаммасининг "оғзини ёпишга" етади. Хоҳласанг - шу, бўлмаса - катта кўча!" - дея устимдан "ҳо-ҳо"лаб кулди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, бир куни, эримнинг ишхонасидан кўпгина ноқонуний ҳужжатлар топилганлиги туфайли ишдан ҳайдалди. Қон босими кўтарилиб, фалаж бўлиб қолди.

Бу орада ота-онаси ҳам қазо қилиб кетишди. Унинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмай қўйди. Мен фақат таҳоратига қарардим. Қизларим эса овқатини едириб-ичириб қўйишарди. Охирги пайтда тили ҳам ғўлдираб, гапиролмай қолганди. Эримнинг хўрлашларини эсласам, унга ҳам худди шундай таҳқирни кўрсатиб қўйгим келарди. Ёшим 50 да. Мен ҳам эркакнинг яхши сўзини, эътиборини, меҳрини ҳис қилишни истардим. Ўйлаб-ўйлаб бир режа туздим: гоҳида эркак-аёл ўртоқларимни уйга чақириб, чорасиз ётган эрим кўз ўнгида кичик зиёфатчалар уюштирсам ва бу манзарадан унинг "мазза" қилишини тасаввур қилардим.

**- Ўзи Худо урган одамга яна жазо шартмиди?**

- Умримни ҳазон қилганига ҳеч чидолмадим-да. Дўстларим келганда, атай у ётган хонанинг эшигини очиб қўярдим-да, магнитофоннинг овозини баланд қўйиб, рақс тушардим. У эса кўзларини лўқ қилиб, биз ўтирган хонага қараб ётарди. Меҳмонларим тўрпарданинг орқасида эрим ётганини билишмасди.

**- Қизларингизнинг бунга муносабати қандай эди?**

- Бир куни катта қизим: "Онажон, агар сиз турмушга чиқсангиз ҳам биз рози бўлардик", - деганди. Аммо илк муҳаббатим- ўша қўшни йигит мендан йироқда, оилали эди. Яқинда уни учратдим-у, ўзимнинг қилаётган ишим умуман нотўғрилигини англадим. У ота-онасидан хабар олгани уйига келган экан. Овозини эшитиб ўзимни йўқотиб қўйдим. У ҳол-аҳвол сўрагач, уйимдаги воқеа ҳақида гапириб: "Ўзингни ҳурмат қил, Салима. Сенинг ақлингга ишонаман", - деб гўшакни қўйиб қўйди. Шу-шу ҳаётимни қандай давом эттиришни билмай қолдим. Сизларнинг маслаҳатингизга муҳтожман...

Аёл бир нафас жим қолди.

**- Опа, ўша киши сизга жуда яхши маслаҳат берибдилар, тушунган бўлсангиз,-дедим ниҳоят. Сизнинг эрингизга "жазоингиз" ортиқча. Сиз эрингизга "кўрсатиб қўйиш" учун топган "дўст"ларингиз ҳақиқий бўлса, эрингиз бу аҳволда ётганида, тепасига келиб ўйнаб ўтиришмасди. Яхшиси, қизларингиз тақдирини ўйланг. Ахир одамгарчилик, ўзбекчилик деган гаплар бор... Бу воқеани яна мухлисларнинг ҳам эътиборига ҳавола этамиз. Хулоса қилиш сиздан...**

- Раҳмат, синглим. Кўнглим равшанлашди. Сизларга яна қўнғироқ қиламан...

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# БИЗ ҲАМ БИР КУН БАХТЛИ БЎЛАМИЗ!

**НИЛУФАРХОН!** Кечмишингизни ўқиб ўзимни кўргандек бўлдим. Инсон тақдири бир-бирига ўхшаш бўлар экан. Мен ҳам ўқиб-изланиб юриб ёшим ҳам 28 га етди. Аммо нолимайман. Баъзи бир тенгқурларимни кўриб ачиниб кетаман. Муҳаббат нима, сабр-бардош нима? Билмайди улар. Оила аталмиш муқаддас кошонага кўр-кўрона қадам қўйишади. Нопок қадам қўядиганлари ҳам бор. Буларни кўриб қалбимда нафрат олови алангаланади. Ўтирган қиз ўрнини топади, дейдилар. Келажакда ўрганган ҳунарингиз, олган билимингиз асқотади. Сиз муҳаббатни эмас, муҳаббат сизни кашф қилади. Ҳали ҳеч ким муҳаббатни тўла-тўкис ифодалаб беролмаган. Менимча муҳаббат қўл етмас юлдуз, кўзга кўринмас ришта. Муҳаббатга элтгувчи йўл ҳалоллик йўли, тўғрилик йўли. Менинг ҳам романтикага иштиёқим кучли. Шаҳзодамнинг нафақат кўриниши ёхуд ақлию муомаласи, ҳатто овози, нутқи, ҳуснихати ҳам кўнглимдагидай бўлсин, деб орзу қилардим. Севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳамда Зулфиядек икки нафис дил бирлигини истардим. Аммо ҳаёт бошқа, хаёл бошқа экан, деб анчагача изтироблар исканжасида юрдим. Бундан бир йил олдин шуни англадимки, биз менсимаган оддий йигитларда биз орзу қилган жиҳатларнинг маълум қисми ўз аксини топар экан.

Азизим! Сизга бир ҳақиқатни айтишни лозим топдим. Илтимос, мендан ранжиманг. Сиз ҳам, мен ҳам гарчи оз бўлса-да, ўзимизга бино қўйганлигимиз ҳеч кимга сир эмас. Кўзи соғлом бир йигит менга уйланиш истаги билан юрибди. Шеърларим, ёхуд мақолаларим газетада чиқса, қувончдан терисига сиғмай кетади. Дуч келган кишига газетани кўрсатаркан: "Менинг севгилим-шоира, ана қаранг",- дея исм-фамилиямга ишора қилади. Олдинига буни шуҳратпарастликка йўйдим. "Янги ёзган шеърларингдан ўқиб бер! Иложи борича кўпроқ ёз, вақтингни бекорчи ўтказма",- деб қистайди. Эшитган воқеаларини сўзлаб бериб, ёзишимни сўрайди. «Имконинг етгунча одамларнинг дардини қоғозга муҳрла», - дейди.

Сизнинг хатингизни ўқиб қирқдан ўтган қизнинг ҳолатини ҳис этдим. Ҳали ҳаётингиз олдинда. Муҳаббат ёш танламайди, дейдилар. Атрофингизга қаранг. Гарчи сизу биз орзу қилгандек буюк бўлмаса-да, оддийгина, аммо самимий йигитлар талайгина. Шуларнинг бири билан сиз ҳам бир куни бахтли бўлишингиз мумкин.

**Моҳира БЎРИЕВА,**
**Термиз шаҳри**



*"Барча орзуларим ушалди, аммо..." 19-сон, 2004 й*

**ЭСЛАТМА: Ёшлигимдан шаҳзодалар ва маликалар ҳақидаги эртаклар, романларни кўп ўқигандим. Энди ҳаётимнинг жўшқин лаҳзаларидан тўғри фойдаланолмаганлигимдан афсусдаман. Мен кутган «шаҳзода» йўқ экан.**

**Нилуфар**

**Акс-садо**

**НИЛУФАР** опа! Демоқчиманки, сизнинг феълингизу, дунёқарашингизга айнан мос келадиган инсонни тополмайсиз. Топишга уринманг ҳам, бу-ҳаётнинг қонуни.

Аввалига мактубингизни ўқиб муҳаббатни, эзгуликни, садоқатни кутаётган дилни кўргандай, ҳис қилгандай бўлдим. Сизни ёқладим ҳам, чунки сизга ўхшаган қизларни ҳаётда ўз кўзим билан кўриб, опа-сингилдек суҳбатлашганман, менга дардларини тўкиб солишган. Лекин вақт ўтиб шунга амин бўлдимки, уларнинг кўпи ўзларига ортиқча баҳо берадиганлар хилидан экан.

Бир нарса мени ўйлантиради. Ўзингизни шунча илмга, ҳунарга бахшида этибсиз, қимматли вақтингизни аямабсиз. Сиз эртаклардаги шаҳзодаларнинг хислати шаҳзодангизда намоён бўлишини хоҳлабсиз-у, бунинг учун курашиш, заҳмат чекиш лозимлигини фаҳмламабсиз-да! Курашиш тугул ўша йигитлардан бирининг қалбига қулоқ тутишга вақт топмабсиз-да! Наҳотки ўша йигитларнинг бирортаси шаҳзода бўлишга арзимаса?

Сўзим сўнггида мана бу гапни ҳаётий шиор қилиб олишингизни маслаҳат берардим: "Одамлар мени тушунмасалар хафа бўлмайман, лекин мен одамларни тушунмасам, ўз-ўзимдан хафа бўламан"...

**Ойсоат АВАЗОВА,**
**ТерДУ талабаси**

## ТОМОШАБИН БЎЛМАЙ...

**("Қайнонага инсоф берсин" 24-сон)**

Эндигина 17 баҳорни кўрган Машҳура отасининг тазйиқи билан қариндошига узатилибди. Унинг қариндоши (қайнонаси) томонидан турткиланиши дилимни ранжитди.

Умрим бино бўлиб, тубанликдан ҳазар қилмаган аёлни биринчи эшитишим: бундай диндан, диёнатдан йироқ бўлган онадан келинига мурувват кутиб бўладими? Йўқ, асло.

Бу бузуқи қайнона қизи билан биргалашиб Машҳурани эридан ажратиб юборибди. У қизи билан ота уйига кетибди. Ўғил набираларини олиб қолиб, уйида уйлантирганмиш. Невара келинга ҳам анча ситамларни ўтказаётганмиш. Менимча, бу кампирга шаҳар бедарвоза кўринади. "Ёмон" нинг кучи "япалоқ"қа етибди-да! Атрофидагилар қариндош-уруғ, маҳалла мутасаддилари томошабин бўлмай, уларни инсофга чақирса бўлмайдими?

**Афифа ХАСАН қизи**

# МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Мен Қамариддин ота Исломовнинг фикрларига қўшиламан. Бу масала матбуотда ёритилиб келинмоқда, аммо сезиларли натижа йўқ. Аксинча қизларимиз ўта очиқчасига кийинишаяпти. Албатта бу ҳамма қизларга тааллуқли гап эмас. Қизларимиз ва йигитларимиз кийиб юрган кийимларнинг 80-90 фоизи чет элдан андоза олишаяптими? Ўзимизнинг иқлимимиз, менталитетимизга мос либослардан кўра улар наҳотки афзалроқ бўлса! Менимча, бу молиявий ўсишимизга ҳам салбий таъсир қилади. Мен хориж кийимларини кийишмасин демоқчи эмасман. Лекин ҳар бир либоснинг ўз ўрни бор ахир. Шуни унутмасалар бас. Кўча-кўйда ярим яланғоч бўлиб юриш шарт эканми? Оддий бир мисол. Бекатда турсам, бир таниш қиз саломлашиб ўтиб қолди. Унга: - Вой, бунча ясаниб олиб қаёққа бораяпсан? - дедим. "Мактабга", - деб тез-тез одимлаб кетди. Бекатдаги қариялар: "Бу кимнинг қизи ўзи", - дея бир-бирларидан сўраб-суриштириб кетишди. Мактабнинг 8-синф ўқувчиси шундай кийинса, бошқалардан нимани кутса бўлади? Азиз опа-сингиллар, замон эмас, одамлар ўзгаряпти. Мода деб ҳар балони кийиш шартмикин-а? Ҳеч шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Либос харид қилишда ота-онангиз билан ҳеч маслаҳат қилганмисиз? Шарқ аёлларимизнинг, ўзбек қизларимизнинг ибо-ҳаё, одоб-ахлоқлари қайда қолди экан-а, азиз опа-сингиллар! Ўзбек алп ўғлонларимиз-чи, қани улар бўй-бастини янада кўркам қилувчи кийимлари қайга йўқолди? Бунинг ўрнига, сочлари сариқ, қулоқ, бўйин, қўлларида тақинчоқлар, ҳар хил бачкана ҳатти-ҳаракатлар... Нима бўлаяпти ўзи? Бу ҳам замон ўзгаришими ёки йигитлар ҳам тобора қизлардан андоза олишаяптими? Якшанба куни Булунғур бозорига тушсам, сочларини ола-була қилиб, қулоғига бир дона сирғача, бўйнига эса бачкана бир тросс тақиб олиб, одобли бир қишлоқ қизини ҳол-жонига қўймай, гапга солмоқчи бўлиб турган йигитга кўзим тушиб, ғашим келди. Йигитларимиз одоб чегарасидан чиқмасалар мақсадга мувофиқ бўлар, деб ўйлайман. Бу билан мен барча ёшларни камситмоқчи эмасман. Бундай фикрдан узоқман. Фақатгина йигитларимиз йигитлигини, қизларимиз ибо-ҳаёларини йўқотмасалар бас. Азиз опа-сингиллару, ака-укалар, сизлар сингил-укаларингизга ўрнак бўлингизлар. Улар сизларга қараб катта бўладилар. Ҳурматли ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, сизлар ҳам ўз фарзандларингизнинг кийинишига эътибор берсаларингиз ёмон бўлмасди.



**Дилафрўз УСМОНОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Булунғур тумани.**

*"Кийим ички чирой догани" 24-сон 2004 йил*

**ЭСЛАТМА: Мени хавотирга солаётгани қизларимизнинг ниҳоятда тор шим ва қорнини ҳам ёпмайдиган майкаларда юриши... Нопок нигоҳларнинг ўша очиқ жойларга, бўрттирилган вужудга қадалиши уларнинг соғлиги, руҳиятига ҳам зарарлигини тушунтириш катталардан лозим эмасми?**

**Муаллиф: С.ФАХРИДДИНОВА**

**Бу мақолани ўқиб:** "Хайрият-е, ҳақиқат бор экан-ку", деб юборибман.

Бу борада менинг ҳам талай фикрларим бор. Ҳақиқатан ҳам қиз-жувонларимизнинг очиқ-сочиқ кийимларда юришлари хунук одат.

Замонавийликка кўр-кўрона интилаяпмиз-у, лекин бунга фақат бу каби тасқара кийимлар билан эмас, ўз ақлимиз, онгимиз, ғурур ва саботимиз билан эришмоғимиз лозим эмасми?

Тўғри, доимо беқасам тўн, атлас кўйлакда юринглар, демоқчи эмасман, бунга ҳаққим ҳам йўқ. Буёғи қорнини, бу ёғи сонини ҳам ёпмайдиган кийимларда қизларимизнинг бемалол юриши мени бир оз ташвишга солаяпти. "Замондан орқада қолмай, кейин армонда ўтмай", қабилида иш тутаётган сингилчаларимиз ҳаёни, ибони унутиб қўяётганликларини билармикинлар?

Бунга биринчи навбатда ота-она айбдор. Баъзи бир акаларга ҳам қойил қолмайман. Сонигача кесма очиб олган, "тор" юбка-ю, майкасимон тўр кофталарни кийиб олган опа-сингилларини қандай қилиб кўчага, ишга кузатиб қўйишади. Гап келганда айтиб ўтай.

Бундан 4-5 йил олдин бутун республикамиз бўйлаб, "Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон" шиори остида хайрия концертлари уюштирилди. Шунда шаҳримизнинг "Ҳисор" ўйингоҳида ҳам икки нафар эстрада хонандаси келди. Бордик. Стадион одам билан лиқ тўла. Биринчи бўлиб ёш, умидли хонанда Нилуфар Раҳматова даврага чиқди. Унинг қирмизи кўйлак устидан номозшомгул атласдан узун қилиб тиктирган нимчаси шу қадар чиройли кўринардики, беихтиёр ҳамма унинг қўшиқларига мафтун бўлиб қолди. Унинг шўх, ўйноқи қўшиқларига йигитларимизнинг ҳуштагу қийқириқлари ҳамоҳанг тарзда намоён бўлди.

Нилуфардан кейин (исми-шарифини айтмайман) таниқли хонанда саҳнага чиқиб куйлашни давом эттирди. Стадионни тўлдириб, қийқириб турган ёш-яланглар бирдан жимиб қолишди. Чунки хонанданинг кийиниши мухлисларни бир пасда осмонлардан "ерга" қулатди.

Аёлнинг иккита ип билан елкасидан боғланган, белигача очиқ, этаги сонидан ҳам юқори тор кўйлагини кўриб, йигитларимизнинг ори келдими, уни олқишламадилар. Унинг: "Ҳа йигитлар, кайфиятингларни кўтаринглар", - деб шўх-шўх қўшиқлар куйлашини эшитишниям истамай, тезда уйларига тарқалиб кетишди. Шундан билдимки, йигитларимизга қизларимизнинг бу тахлит кийинишлари кўпда ёқавермас экан.

Азиз юртдошлар, кўчаларда хиёбонларда бу тарзда кийиниб юрган қиз-у жувонлар чет эллардан келишмаган, сиз-у бизнинг фарзандларимиз, опа-сингилларимиз-ку улар.

Келинг, уларга бундай кўриниш одоб-у ахлоқимизга, келажагимизга, ор-номусимизга тўғри келмаслигини ётиғи билан тушунтирайлик. Миллатимизни, маънавиятимизни ўзимиз асрайлик.

"Ўзбек" деган номни сақлаб, келажак авлодларимизга бус-бутун ҳолда етказайлик.

**София УЗОҚОВА,**
**Шаҳрисабз шаҳри**

# ҚИЗ БОЛАНИНГ БОЙЛИГИ

**Қиз боланинг жамики бойлиги унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.**
***В.Шекспир***

Бекатда катта ёшли бир аёл билан керагидан ортиқ пардоз-андозли, башанг кийинган бир қизнинг тинимсиз бақириб, жанжаллашаётганига гувоҳ бўлдим. Аёл қизнинг қўлидан маҳкам ушлаган, қиз эса уни силтаб, қочиб кетишга шайланарди.

Ниҳоят аёл жанжалдан чарчадими ёки атрофдагилардан уялдими, қизни қолдириб тез-тез юриб кетиб қолди. Қиз эса ҳеч нарса бўлмагандек, биз чиққан машинага чиқиб, ёнимдаги ўриндиққа жойлашди. Шунда секингина қизни суҳбатга тортдим.

- Қизим, анави аёл кимингиз бўлади? Нега уни хафа қилдингиз?

Қиз истар-истамас жавоб қайтарди:

- Холам. У, хотини ўлиб, фарзандлари билан бева қолган бир эркакка тегишимни хоҳлайди. У шу боис мени шаҳарга боришимга қаршилик қилди. Шу боис, жанжаллашдик. Опажон, сўрадингиз, энди айтмасам бўлмайди, шекилли. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, тарихи жуда узун, - дея сўзлай бошлади у.

- Ота-онам мени эрка, тантиқ қилиб ўстирдилар. Нимани талаб қилсам, шуни топиб беришар, оғзимдан нима чиқса шуни бажаришарди. Уй-рўзғор ишларидан умуман хабарсиз эдим. Онам қийналган, бемор бўлган пайтларида ҳам уй ишларига ёрдам бермаганман. Тайёрини еб, тайёрини кийишга ўргандим. Уйни, ота-онамни, укаларимни ўйламасдим. Агар онам: “Бирор марта қаерда эдинг?” - деса, мендан балога қоларди. Жеркиб берардим. Кейинчалик заҳарли гапларимдан безган онам мен билан мутлақо қизиқмай қўйди. Бу эса менга жуда қўл келарди. Чунки яна эркин эдим-да!

Мактабни ҳам тугатдим. Раҳматли дадажоним, қизим ўқимишли бўлсин, дея югуриб-елиб олийгоҳларнинг бирига жойлаб ҳам қўйдилар. Аммо у ерда кўплаб ўзимга ўхшаган енгилтак дугоналар орттирдим, ўқишни ҳам ташладим. Ўқияпман, деб ота-онамни алдаб, пул олардим. Саёқ дугоналаримнинг уйларида қолиб кетадиган, ичкилик ичадиган ҳам бўлдим.

Кунларнинг бирида дугонам меҳмонга чақирди. Ундай тадбирларга эса менинг суягим йўқ эди, жон деб бордим. Ичдик-ичдик, ўта маст ҳолда шу ерда қолиб кетибман. Эрталаб уйғонсам, не кўз билан кўрайки, ёнимда катта ёшдаги, бесўнақай киши хуррак отиб ухлаб ётибди! Ғазабланиб, у кимсани уйғотиб, қаттиқ жанжаллашдим. У бўлса бўш келмади:

- Эй, сенда шарм-ҳаё бўлса, ичиб шу кўйга тушармидинг? - дея шапалоқ тортиб юборди-ю, сўнг жуфтагини ростлади.

Дугоналарим эса айбни ўзимга қўйишди.

Ўша кундан бошлаб оромим йўқолди, қизлик номусим топталганини, бунга эса ўзимнинг енгилтаклигим сабаблигини англаб етдим. Ўша мени йўлдан урган киши қайтиб қорасини кўрсатмади. Ундан кейин мен қанчадан-қанча кишилар билан учрашиб юрдим. Охири ҳомиладор бўлиб қолдим. Дугоналарим менга ҳомиладан воз кечишни маслаҳат бердилар. Мен ҳомиладан воз кечдим. Шу-шу тирноққа зорман.

Қисқа муддатда уч марта турмушга чиқиб, ажрашдим. Онам менинг қилмишларимга бардош беролмай оғир бетоб бўлиб, тўшакка михланиб қолди. Дадажоним, мени тўғри йўлга сола олмай юрак хуружидан вафот этди,- қиз ҳўнграб йиғлаб юборди.

Холам топган ҳалиги фарзандлари бор одам, мендан ширин сўзини аямайди. “Фарзандларимга оналик қилсанг бўлди”, - дейди ялиниб. Унинг сўзларини эшитишни ҳам истамайман. Холам бечора ҳам қийналиб кетди, ҳар куни олдимга бориб: “Тиниб-тинчиб кетгин, етим болаларга меҳр бергин”, - дейдилар. Лекин бу сўзлар менга заррача таъсир қилмайди. Яна ўша олдинги юриш-туришларимни, дугоналаримни қўмсайман.

Бу гапларни сўзлаб бераётган қизнинг юзи-кўзида, меҳр-оқибатдан асар ҳам йўқ эди. “Бу йўлингиздан қайтинг, ўша дугоналарингизни унутинг. Сизни сўраб турган ўша одам билан қўша қаринг. Етимларнинг бошини силасангиз, савобга қоласиз. Тезда уйингизга қайтинг»,- дея ялиниб-ёлвордим. “Уй-рўзғор ишларини уддалай олмасам, ўргатишмаган. Баъзан онамдан ҳам хафа бўлиб кетаман, агар у қаттиққўллик билан ўстирганда, мен ҳам бир уйнинг бекаси бўлардим,- деди қиз ниҳоят кўз ёшларини тия олмай.

Унинг қаттиқ пушаймон қилаётганлиги сезилиб турарди. Ҳаётда баъзи оналар билиб-билмай хатоларга йўл қўядилар. Қизларини ёнига олиб ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларидан авайлаб олиб ўтмайдилар. Уй-рўзғор ишларини ўргатмайдилар. Уларни “сепли” эмас, “эпли” қилиб тарбияламайдилар. Қизлари қаёқларда юрибди, дугоналари кимлар эканлиги билан қизиқмайдилар ҳам.

Қиз болалар қизлик иффатини, шаънини, ор-номусини авайлаб сақлаганларидагина, улардан севимли ёр, лобар келин, меҳрибон она чиқа олади. Қизингизни тарбия қилишда хатоликларга йўл қўймаяпсизми, азиз ота-оналар?

**Раъно ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон вилояти,**
**Булоқбоши тумани**






# БЕКА ТАНЛАШДА АДАШМАНГ, ЙИГИТЛАР!

**“Кимки уйланса, ўз диёнатининг ярмини мустаҳкамлаган бўлади ва қолган ярмини ўзи эҳтиёт қилсин”.**
*Ҳадисдан.*

Ҳар бир инсон бу дунёда бахтли яшашга, бахтиёр бўлишга интилади. Ўз орзу-умидлари йўлида тинмай меҳнат қилади. Ҳар бир ота-она фарзандлар камолини кўришни, ҳар бир қиз ўз хаёлидаги шаҳзодаси билан бахтли яшашни, ҳар бир йигит эса ўз орзусидаги қизга уйланишни истайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки: “Аёл киши диёнати учун, мол-дунёси ёки насл-насаби ёхуд ҳусни-жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топкур!”

Бундай дейилишига сабаб, ҳар бир уйланиш ниятидаги киши, ўзига муносиб ёр танлашда, қизнинг хулқу-одоби, дину диёнатига ҳам эътибор бериши лозимлигидир. Чунки орамиздаги баъзи йигитлар қизнинг бойлигига яъни қўлидаги қўл телефонию, ота-онасининг мансабига қизиқиб уйланиб, кейин миннат ошини ейишга мажбур бўладилар. Ҳусну жамолига ошиқ бўлиб, кўзига ҳеч нарса кўринмасдан, гўзал қизга уйланиб, бунинг орқасидан қанча фитнаю фасодларга дучор бўлганлар ҳам йўқ эмас.

Ислом дини ахлоқ-одоби ва диёнати ҳам зиёда, оқила, шарму ҳаёли, аёллик иффати, нафосатига эга бўлган қизлардан жуфту ҳалол танлашни буюради. Бинобарин, ҳар бир йигит ўзига солиҳа умр йўлдош танлаши зарур. Чунки бу аёл келажакда фарзандларининг онаси ва мураббийси бўлади. Инсон оила қуриб, наслни давом эттиради. Насл тоза бўлиши эса соғлиққа боғлиқ. Демак, фарзанд она қорнида шаклланар экан, аввалам бор она соғлом бўлиши керак. Фарзандлар ҳар томонлама тўкис бўлиши учун онанинг комил инсон бўлиши ҳам муҳимдир. Қизларнинг яхши рўзғор соҳибаси, фарзандларнинг суюкли, меҳрибон онаси бўлиб етишишида ота-онанинг масъулияти беқиёсдир.

**Шермат МЎМИНОВ**

# БУ «ҚАЙТАР ДУНЁ»ДА...

Самарқанддаги дам олиш масканларидан бирида ҳордиқ олишимга тўғри келди.

Ҳамхонам 75 ёшли бир онахон билан она-боладек бўлиб қолдик. Онахон 40 йил маориф соҳасида ишлаган экан. Руҳи тетик, жисмонан бақувват эди. Лекин онахонни йўқлаб ҳеч ким келмасди. Мен эса сабабини сўрашга истиҳола қилардим. Биз суҳбатлашиб сира зерикмасдик. Уйимизга кетишга 3-4 кун қолганда хонамизга башанг кийинган, тилла тақинчоқларга кўмилган, 35 ёшлар чамасидаги бир жувон кириб келди. У онахон ва мен билан сохта илиқлик билан сўрашгач, сумкасидан қанд-қурс, нон, кабоб ва майда-чуйдаларни олиб столга қўя бошлади. Мен бу жувон онанинг яқинларидан бири эканлигини сезиб турардим. Секин хонадан чиқиб кетдим. Мен ҳовлига чиқиб, стуллардан бирига ўтирдим. Сал ўтмай ҳалиги жувон дарвоза олдида турган “Тико”га ўтирди-ю, жўнаб кетди. Ҳайрон эдим, бу аёл онахонга ким бўлади? “Тико” ҳайдовчиси-чи?

Яна хонага йўл олдим. Онахоннинг юзида шу кунгача бўлган табассумдан асар ҳам қолмаганди. Чуқур уф тортиб кўзойнагини олиб қўяётганда ёноқларида, кўзларида ёш кўрдим. Бирор бир сўз айтиб дардига малҳам бўламан деб, чоғландиму, дилимдагини тилимга чиқара олмадим. Орадан ўн дақиқа ўтди ҳамки, ҳамон жимлик ҳукм сурмоқда. Мен: “Онажон, бу чиройли жувон қариндошингизми?” - деб сўрадим.

- Эҳ, болажоним, қани эди қариндошим бўлса, шу жувон кенжа келиним, - деди онахон. - 30 ёшимда тўрт нафар ўғлим билан бева қолдим. Уларни ҳалол меҳнатим билан боқдим. Ёзда далага чиқиб ишлардим. Тўртталасини ҳам ўқитдим, уйлантирдим. Бевалик тоши оғир бўларкан. Турмуш қуриш мақсадида оғиз солганлар бўлди. Лекин мен унамадим. Болаларимни ҳеч кимга турткилатмайман, дебман-да. Иккала каттасини уй-жойли қилиб чиқардим. Ҳовлимиз кенг бўлгани учун бу ерда икки хўжалик яшаши мумкин деб, кичикларини уйда олиб қолдим. Ҳозир уйдаги ўғилларим иккови ҳам савдо соҳасига ўзини урган. Худога шукр, уйни бузиб, бошқатдан икки томондан иморат солдирдим. Дарвоза битта бўлгани билан уйда ўзлари учун ҳамма нарса алоҳида-алоҳида. Ҳозир набирам 8 та бўлди. Ёш ўтаверган сари болаларимга ёқмай қолаяпман шекилли. Мана 10 йилдирки, гоҳ у ерим, гоҳ бу ерим оғриб хасталаниб қолганман. Шу ёшимда фарзандларимни ёмонлашга, улардан нолишга номус қиламан. Боя келинимдан ўғлимни сўрасам, “Машинада ўтирибди, ишлари кўп экан”,- дея гапни узди-қўйди. Бу дунёнинг иши-ю ташвишлари тугармиди? Ахир ўғлим шу ергача келиб, олдимга кирмасдан кетди. Майли, тани-жони соғ бўлсин, -онахон шундай деркан, кўзлари ёшланди. Мен онахонни ортиқча саволга тутмадим.

Айб келинлардами? Ёки ўғиллардами? Наҳотки, улар доимо шундай ёш, чиройли, мол-дунёли бўламан деб, ўйласалар. Шеркелбатли ўғиллару, танноз келинлар гап-гаштак ўйнаб, базму жамшид қургунча оналарига меҳр бериб ҳоки-пойларига бошини урса арзийди-ку. Она хўрлиги, онанинг қадрсизлиги сира хаёлимни тарк этмаяпти. Ўзим онахоннинг ёнидан кетдиму, юрагим эса онахон билан қолгандек гўё.

Азиз юртдошларим, бу ўткинчи, чархпалак дунёда ўғиллару, келинлар қайнота-қайнона бўлмайдиларми? Ёки бу дунё “қайтар дунё” эканлигини билмайдиларми? Фикру-мулоҳазангизни кутиб қоламан.

**Муҳайё БЕРКИНОВА,**
**Жиззах шаҳри**

# ЎГАЙ ОТА... ЧИН БЎЛАДИ

Саксонлардан ошиб қолган қувноқ, хуштабиат суҳбатдошим Умр бобо шундай ҳикоя қилади: -Онам ёш вафот этдилар. Биз - иккки ўғил етим қолдик. Отам шу даврда, тахминан, ўттиз ёшларда эди. Кир-чирларни ювар, овқат тайёрлар, нонни ҳам ўзи ёпарди. Уч йил ўтгач, амаким орага тушиб 3 болали бева аёлни олиб бердилар... Онамнинг (ўгай дегим келмайди) 2 қизи, 1 ўғли бўлиб, биз бешовлон ака-ука, опа-сингиллар ёшини тенг қилиб, дуч қилибди, яратган эгам... Шукр. Онамиз Саодатбону отамизга меҳрибон, отамиз ҳам онамизга меҳрибон эдилар. Қонимиз қўшилмаса-да, жонимиз, меҳримиз, дилимиз қўшилиб, ўгай деган сўзни ҳеч қачон ишлатмаганмиз. Агар аёл эрини ҳурмат қилса, фарзандлар ҳам улардан андоза олиши табиий экан. Хайру барака, оғзи бирликда экан, укажон! Мен ўша вақтлардаёқ бу инсонийлик қудратини англаб етгандим...

Йиллар ўтди, ака-сингил бўлиб яшаб, меҳнат қилдик, янги ташкил этилган жамоа хўжалигида ишладик, ер ағдардик, ғўза экдик, тўлиқсиз маълумотни олдик. Онам Саодатбонунинг меҳрибончиликлари, биз икки ака-ука ўғилларнинг тақдиримизни онамнинг қизларининг иккиси билан боғлади. Мен Улашбону, укам Сарвара билан, ширингина оила қурдик. Ўгайчилик, тағин ҳам чинчиликка айланиб кетди. Онамиз ҳам она, ҳам замона зайли билан, кўнгил-кўнгилга боғланиб кетганлиги боис, меҳрибон бувижонимизга айланди. Шукроналар бўлсин! Беш фарзанд эдик. Иккинчи жаҳон уруши арафасида укамиз, яъни онамизнинг ўғли 12 ёшида оламдан ўтди. Отам, онам, ҳамма-ҳаммамиз ғам чекдик. Куйдик Зокирали учун...

Уруш бошланди... Ўз укам Элмўмин урушга кетди. Тағин уч ойга бормасдан мен ҳам урушга жўнадим. Отам, онам, укамни ҳам, мени ҳам жўнаётганларида, пешонамиздан ўпиб: «Холмўминжон, уканг билан бирга: "Ой бориб, омон қайтинглар!" дегандилар. Уруш-уруш-да, мен иягимдан ва қўлимдан жароҳатланиб, уч йил деганда қишлоғимга қайтдим. Мен қишлоққа келганимда, бир йил аввал укам, Элмўминдан қора хат келган экан. Менинг ҳам гоҳ-гоҳи яраланган танам хуруж қилади, даволаниб оламан.

Урушдан қайтганимда укамнинг аёли ўғил - Боқибекни, менинг аёлим эса қиз - Ҳилолани дунёга келтиришган экан. Оиламизда кўпайиш бўлганидан қувондим... Лекин икки укамни йўқотишим қалбимда мангуга битмас жароҳат бўлиб қолди.



Ота-онам ҳаётдан ўтдилар. Кўндик. Пешонага битганига... Укамизнинг аёлини, бир боласи билан иккинчи бор турмушга узатдик. Худога шукр, ҳаммамиз тинч, соғ-саломат эдик. Каналда ишладик. Фарзандлар билан қўйнимиз тўлди. Ҳозирги кунда набираларимиз ёнимизга кирган, касбкорли, ўқимишли. Ота-онамиз ётган жойлари жаннатда бўлсин, деб хотирлаб, дуо қилиб юрамиз. Укажон, энди мен сизга айтсам, - дея Умр бобо бироз маъюс оҳангда гапини давом эттирди. - Ўгайчилик... Унинг дардли томони хусусида айтай... Ўгай... Қони, танаси бошқа-бошқа!

Ён қўшним бор эди. Ўқимишли, оиласи оламдан ўтган, етти боласи билан қолди. Олти йил ўйланмади... Жамоаси, оға-ини, фарзандлари қистовида 3 болали - 1 ўғил, 2 қизли аёл билан турмуш қурди. Аммо, она оилада ўгайчилик қила бошлади. Эри аёлининг кетидан келган уч болага қанчалик меҳрибончилик қилмасин, отанинг 6 боласининг кўкрагидан нари итарди. Аёли фақат рўзғор иши билан банд эди. Бир ой ўтмай отанинг болалари рўзғорини бўлак қилдириб қўйди. Ота 2 оилани боқарди. Она ўз фарзандларига: "Бу ўгай ота! Ўз отанг эмас! Ундай бўлолмайди ҳам! Яхшилик қилмайди", - деб дастурхон бошида миясига қуйиб турган. Онанинг бу фикрини қизлари эмас, ўғли қўллади. Отанинг гапини гап демай, онанинг чизиғидан юрди. Ўғил тарбиясини олмаган бўлса ҳам у мактабни тугатганидан сўнг ота ўқишга элтди. Бола ўқишни ташлаб келди. Инон-ихтиёри она қўлида бўлган ўғил, вилоят ошиб ота юртига кетди. Ўгай ота бўлса, аввало ўз фарзандларини навбати билан ўқитиб, сўнг аёлининг 2 қизини ўқитиб, турмушга узатди, оилали қилди. Лекин онанинг ўғли ҳамон кўчада санғиб юрибди. Она гапи билан ўгай бўлиб қолмоқда, укажон! Энди ўша ўғил икки орада дарбадар. Ўгай отамнинг фикрига қўшилганимда, мен шундоқ хор бўлмасдим,- дея пушаймон ермиш. Эҳ, аттанг... Она! Она! Ўғлингни нима қилиб қўйдинг!

Умр бобонинг қўллари титраб, кўзларига ёш тўлди. Юпатаман... «Ўгай сўзини чиқарган одамнинг бағри бунчалик тош, метин бўлмаса?! сўзида давом этади Умр бобо. -Баъзида эшитиб қоламан: Ота аёлининг боласини ардоқлаб, ўзиникини кўкрагидан нарироққа итарибди деб... Шу онда, укажон, бир ўлиб-тириламан. Аёлнинг қайта эрга чиқиши, эркакнинг қайта аёлга уйланиши, ҳаёт қонуни! Бу тақдир! Қочиб қайга урасан, ўзингни? Бева аёл ўз-ўзини эплаши мумкин. Лекин аёлсиз эркак-чи? Унга қийин. Пишир-куйдир, юв-тара, хамир бор, укам! Бева аёл, аёлсиз эркак бир-бирларининг қўлларини сўраган вақтда, фарзандлар тақдирини ҳисобга олишлари керак. Оталар зиммасига умумий қатъий назорат қонун йўли билан (албатта, оилавий қонун бу) юкланиши жоиздир!»

Мен Умр бобонинг ҳаёт ҳикматлари кимларгадир йўл кўрсатар, деб, уни оқ қоғозга туширдим.

**Эргаш АТОЕВ,**
**Навоий вилояти**

ҚИССАДАН ҲИССА

# ИНСОФНИ УНУТГАНЛАР

Ён қўшнимиз билан опа-сингиллдек бўлиб кетганмиз. Бахтли, шодон кунларимизда қувончимизга ўзаро шерик, ташвишли, мусибатли кунларимизда ҳамдардмиз.

Қўшним отасига эҳсон оши бериш ниятида юрган кунларнинг бирида бозордан таъби хира бўлиб қайтди. Пулига эмас, баъзи сотувчиларнинг инсофсизлигидан, қаллоблигидан, оқибатсизлигидан куюниб айтганлари менга ҳам таъсир қилди.

- Керакли харидларни қилиб бўлиб, пиширик қилишга творог билан сметана олмаганим ёдимга тушди. Оғир юким билан Фарҳод бозорининг тепасида жойлашган сут маҳсулотлари сотадиган жойига боришга ҳолим қолмай, пастдан ола қоламан, деб ўйлабман. Ёши улуғроқ таниш аёл билан савдолашиб қўя қолдим. Аёл тезда ёпиб, ўраб-чирмаб берган сметанасини қопқоғини очиб, татиб кўрмоқчи бўлдим-у, банкадан чиқаётган ачимсиқ ҳид димоғимга урилди.

- Бу нима қилганингиз, хола? Ахир, бир эмас, икки бора татиб кўришга берган эдингиз, яхши эди-ку? - дедим.

Пиёлага солиб кастрюлкасининг орқасига яшириб қўйган яхши сметанасидан қошиқда олиб, кўз бойлағичдек, худди кастрюлкадан олиб бераётгандек менга берибди-я?!

Афсуски, шунга ўхшаш воқеалар ҳаётимизда тез-тез учраб туради... Маҳаллага янги кўчиб келган кезларим эди. Қўшнимга сутчининг вақтида келмаётганлигини, гоҳида кичкинамга керакли сутли овқатларни бера олмаётганлигимни айтдим. Қўшним эса: "Вой, айланай, бизнинг ишхонамизга жуда қуюқ, яхши сут олиб келишади. Хоҳласангиз айтиб юбораман, сизга ҳам ҳар куни олиб келишади", - деди.

Мен ҳам дарров кўна қолибман. Қўшним эртасини ҳам кутмай, шу куни кечқурунёқ сут кўтариб чиқди. "Қуюқлигини қаранг, пичоқ билан кесиб олса бўлади", - деб мақтай-мақтай ташлаб кетган сути ичида думалоқ-думалоқ ҳали эриб улгурмаган сут кукунлари бор эди. Юз амри ширин, мусулмончиликда андиша деган нарса бор-ку, ея индамай қўя қолдим. Аммо ёши улуғ бу аёлнинг иши менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Кўздай қўшни-я, эртага қандай сўрашаман, деб ҳам ўйламаса-я. Сут оқлик, наҳотки мени алдаб шу билан боқ бўлса?

Раҳматли отамнинг шифохонада ётган кезлари эди. Бир куни шифохонага боришда нон олиш учун йўл-йўлакай Чилонзор метросига тушдим. Йўлимни соддагина аёл тўсиб, "Жон опажон, шу қаймоғимни олинг, ёш болаларимни ёлғиз ташлаб келгандим. Уйимга тезроқ етиб олардим. Болаларимга у-бу олиб бордим, олақолинг", - деб ялинди. "Ҳа, майли, алдамасангиз, ҳақиқатан яхши бўлса оламан", - дедим аёлга раҳмим келиб. "Нима деганингиз бу?! Алдаб нима қиламан, кейин раҳмат дейсиз! Мана кўрасиз!", - деди аёл. Кўрдим ҳам, хижолатдан отам раҳматликдан уялиб, нима дейишимни билмай тилимни тишладим ҳам.

- Ҳа, муттаҳамлар, қаймоқ деб қатиқнинг устига икки қошиққина қаймоқ солишибди-ку, - деди отам ранжиб. - Мен бўлсам, болаларингга олиб кетгин деб қайтариб бермоқчи бўлибман. Одамларда инсоф, диёнат қолмабди. Худодан ҳам қўрқмай шу ишни қилишибди. Бошқа тирикчилик қуриб кетибдими уларга?!

Қаймоқ, йўғ-ей, қатиқ олганимга минг пушаймон бўлгандим, ўшанда. Бир банка қатиққа қаймоқнинг пулини тўлаганим бир томондан алам қилган бўлса, иккинчи томондан отамнинг асаби бузилганига куюнгандим.

Халқимизда "Инсоф сари барака", деган нақл бор. Одамлар инсофли, мурувватли, саховатпеша бўлсагина ишига, турмушига барака кирарди. Шундай эмасми, азиз юртдошлар?

**Манзура САФАРОВА,**
**Зангиота тумани**

# 40 ТА ГИЛАМ ВА КЕЛИН

Бир ҳафтанинг ичида бир девор қўшни бўлган икки ҳовлига келин олиб келишди. Биринчи бўлиб уйланган йигит ўзига тўқ оиладан эди. Тўйида тўртта карнай чалинди. Дарвозадан бошлаб, уйнинг остонасигача келин билан куёвнинг оёғи остига қирқта гилам солинди.

Қўшни ҳовлидагилар эса кўпчилик қатори яшайди. Тўй ҳам кўпчилик қатори бўлди. Келинчак сигир соғинишни, нон ёпишни ўрганган экан. Югуриб-елиб хизматни қилаверди.

Куёв бола эса ижарага ер олиб картошка эккан эди. Тўйдан кейин қирқ кун ўтиб-ўтмай куёв билан келин далага чиқиб кетишди. Келиннинг оёғи ярашдими, картошка шунақаям бўлдики, ҳосилни олиб келгани қоп етказиша олмай қолишди.

Қўшни ҳовлидаги келин билан куёвни машинада юришганини кўриб қолардик. Уларга ҳавас қилганлар ҳам кўп бўлди. Аммо қирқта гиламдан ўтган келин, кир ювишни, овқат қилишни унчалик хушламас экан. Уни қайнонаси ёнига чақириб, нон ёпишни ўргатмоқчи бўлибди. Келин ўша куни “уф” тортиб шундай дебди: “Ужас! Нон ёпиш жаҳаннамга тушиш билан баробар экан!”

Қишлоқдагилар “ужас” деган сўзнинг маъносини тушуна олишмабди. Лекин унга “Ужас келин» деб ном қўйишибди. Қайнона эса орзу-ҳавас кўрганига шукр қилиб яшайверибди. Шундай бўлсаям, келин “қора” ишлардан безиллаб, отасиникига аразлаб кетиб қолибди. Унинг дадаси, тоғаси, амакилари кўчини қайтариб олиб кетиш учун иккита “Нексия” ва битта “Алка” деган юк машинасида келишибди. Юкларни машинага ортишаётганда, келиннинг отаси шундай дебди:

- Қирқта кумуш қошиқ олиб берган эдим. Олиб чиқинглар ўшани!

- Унақа қошиқни биз қаёқдан биламиз, - жавоб қилибди куёвнинг дадаси.

- Оббо зоти пастлар-ей, - Қошиқларни топмайдиган бўлсанг, бурнингдан суғуриб оламан.

Майли, қудалар ўзлари келишиб олишар. Лекин тўй куни қирқта гилам тепаланиб кир бўлганига жиндай ачиндик-да.

**Комилжон НИШОНОВ,**
**Андижон вилояти**

# ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДАМАН...



“Оила ва жамият” газетаси менинг сирдошим, энг яқин дугонам. Ҳаётимга нур, қалбимга зиё бахш этди. Унда чоп этилаётган мақолалардаги ҳар бир инсон ҳаётида учрайдиган хатоларни такрорламасликка ҳаракат қиламан. Орзуим ўқишга кириб ишлаш, келажакда яхши инсон бўлиш эди. Аммо... Мен мактабда аълочи ўқувчи эдим. Биринчи ўқитувчим доим: “Мактабни аъло баҳоларга тамомласанг медаль берамиз”, - деганди. Яхши ўқиганим учун китоблар совға қилишарди. Бундан шундай қувонардимки... Орада эгиз укаларим туғилди. Улар тез-тез касал бўлиб қолар, онам иккимиз укаларимни ойлаб касалхонада олиб ётардик. Шундай қилиб аста-секин мактабни ҳам унутдим. Ҳатто тунлари укаларим ухлаб ётса ҳам, уйқусираб каравотни қимирлатиб, бешик тебратардим. Укаларим жудаям йиғлоқи эди. У йиллар мен учун жуда оғир кечди. Ўшанда 9-10 яшар қизча эдим. Укаларим касал бўлмаслиги учун ҳар тонг дуо қилардим. Мана ҳозир улар 7-синфда ўқишади. Мени 9-синфдан чиқариб олишди. Ўқишга киритишмади. Уйимизга совчилар кела бошлади. Мен ҳеч қайсисига рози бўлмадим. Шерали деган йигит тиббиёт билим юртида ўқирди. Кўп қизлар билан дон олишиб юраркан. Ўша қизлардан биттасига уйланиб ҳам олганди. Биринчи хотини тўй бўлганига 2 ой бўлар-бўлмас туғди. Яна иккитаси ҳомиладор. Шундай ўқишда ўқиган қизлар ўзини хор қилиб юришибди. Агар мени ҳам ўқитишганда: “Дадам, ўл деса ўлардим, айтганларини қилардим”,- деб ўзимни-ўзим овутаман. Мен сал одамовироқман. Ҳамма билан тез киришиб кетолмайман. Тўғри гапни айтиб туҳматга қолиб юраман. Менинг Гўзал деган яқин дугонам бор. Ўқишга кирганидан минг пушаймон. Нега десангиз, дадаси: “Мен сени ўқитдим, кимга берсам, шунга тегасан”, - деб уришаркан. У Ихтиёр деган йигитни севиб қолган, ҳозир у Тошкентда ишлайди. Совчиларига: “Гўзални бермаймиз”,- дейишганда, Ихтиёр ўзини ўлдирмоқчи бўлган. Яқинда кўлидан операция бўлди. “Йигит бизнинг оиламизга мос эмас”, - деб дугонамни беришмабди. Йигит ҳам, қиз ҳам икки томонда куйиб юришди. Айрим синфдошларим билан кўришишга уяламан. Чунки улар ҳафтасига битта кўйлак кияди. Чарм плаш, лама пальтолар кийиб, керилиб юришади. Биронбир жойда учрашиб қолсак, менга қараб: “Нодира, кўйлагинг хорижнинг сўнгги модасими? Бизга ҳам бир-иккита топиб берсангчи!”, - дея мазах қилиб, кулишади. Оддий кийиниш кулгилими? Кийган кўйлагим кир бўлмаса, ўзим ҳеч қаерда ишламасам. Одамларга ўзимни кўз-кўз қилиб нима қиламан. Қўлимдан тўқиш, ип йигириш келади. Бир куни қўшниларимизнинг туфли, тапочкаларини тикиб ўтиргандим, дадам буни кўриб: “Сен ўлгур, уларни тиккунча ҳаётингни ўйла!”, - деди. Яна бир-икки жойдан совчилар келишди. “Йўқ”, - дедим.

Шундан буён дадам сал нарсага жаҳли чиқса, аламини мендан олади. Онамга бақириб: “Қизингга айт, мен уни 50 га киргунча боқмайман. Кетсин! Одамларнинг қизи хотин қўйганга тегиб юрибди, бу ҳали ҳам шундоқ яшаб юраман, дейди. Бу эркакшода қизинг мени элдан чиқарди. Агар яхши бўлса хотин қўйганга бўлсаям тегиб кетарди, бу қизингни ит ҳам олмайди”, - дейди. Бу гапларни эшитсам ҳам эшитмасликка оламан. Гоҳида дадам: “Фалончига айтсаммикан? Қизимни келин қилса, харажатларини ўзим кўтарардим”, - дейди. Ҳозир ёшим 21 да. Олдингга қўйган мақсадга интилсанг-у, аммо етолмасанг, яшашнинг кераги йўқ. Қанча жойга ёрдам сўраб, мактуб ёздим, ё қизиқишмадими ёки етиб бормади. Қорнимга эмас қадримга йиғлайман. Мен ҳам оила қурсам, бахтли бўлсам, дейман. Турмуш ўртоғимнинг ҳарбий соҳада ишловчи ёки санъатга яқин, ақлли инсон бўлишини истайман. Лекин ўқимаган, оддий кийинадиган қизга ким ҳам қарарди? Ўзингга қараб юр, дерсиз. Бунинг иложи йўқ! Негаки сочимни ташлаб олсам: “Эри ўлган хотинга ўхшамай, сочингни йиғиб ол. Қора кийма, узун кийсанг кампирга ўхшаб қоласан”, - дея дакки беришаверади. Ахир, қандай кийинишим ўзимга боғлиқ-ку! Уйдагилар мени Шералига турмушга чиқсин, деб сувга дам солдириб ичиришибди. Бу гапни эшитиб роса кулдим. Нега десангиз, худди мен бир умр турмушга чиқолмайдигандек. “Яхши қизлар ўқишмайди”,-деб жўралари роса қулоғига қуйишибди. Ахир, ўқиган қизларнинг ҳаммаси ҳам ёмон бўлавермайди-ку! Афсус, мен ўқиганимда эди... Аммо мен ҳадеб дадамни ёмонлайвермоқчи эмасман. Дадам ёшлигимда мени роса яхши кўрарди. Катта бўлганим сайин қандай бўлмасин узатиш пайига тушиб қолди. Бунга сабаб, бир аммамнинг невара қизи турмушга чиқмай туриб иккита ҳомила олдирди. Ҳозир уйимизда тез-тез жанжал бўлаяпти. Онам бўлса: “Сени деб дадангдан қанча гап эшитаяпман, бирортаси билан севишиб, турмушга чиқа қол”, - дейди. Дадам ва уйдагилар ҳайдамасидан кетишим керак. Аммо қаерга?! Ана шу муаммо бўлиб турибди. Илтимос, менга ёрдам беринглар. Муҳими ота-онамга ўқишга кирган қизларнинг ҳаммаси ҳам ёмон йўлга кириб кетавермаслигини исботлагим келади. Олдимда икки йўл турибди. Бири кетиш, иккинчиси эса улар айтгандай кимгадир турмушга чиқиш... Бироқ, ўша турмушдан бахтли бўламанми, йўқми билмайман. Мендан ўз маслаҳат ва ёрдамларингизни аямайсизлар, деган умиддаман.

**НОДИРА**

Дил изҳори

# АСОССИЗ РАШК ТУФАЙЛИ...

9-синфда ўқиган кезларимда илк муҳаббат дардига мубтало бўлдим. Кун ўтган сайин беғубор севгимиз тобора аланга олиб борарди. Орадан ойлар, йиллар ўтиб, мактабни ҳам тугатдик. Мен олий ўқув юртига, у эса педагогика коллежига ўқишга кирди. Хуллас, мен II-курсни тугатиб, ёзги таътилга чиққанимда ота-онамга севган қизимга уйланмоқчи эканлигимни айтдим. Ота-онам ҳам ҳеч қаршиликларсиз орзуимни амалга оширишди. Тўйдан кейин у уйда қолди, мен эса ўқишга қайтиб, ҳар ойда бир ёки икки марта кўргани бориб турардим. Бир куни уйга борсам хотиним оғир бетоб бўлиб ётган экан. Мен бир ой дарсларга кела олмай ёнида қолдим ва олийгоҳдан ҳайдалдим. Бу ҳаётимдаги биринчи ва энг катта йўқотиш эди. Кейин тақдирга тан бериб қурилиш бригадасига ишга кирдим. Ойнинг биринчи ярмида ишда, иккинчи ярмида уйда бўлардим. Хотиним жудаям рашкчи эди. Мен эса мени жонидан ҳам ортиқ кўради, деб ўйлардим, лекин...

Бу ҳол тобора авж олиб борди. Уйда ота-онам, мен, хотиним, акам, янгам турардик. Энди жанжаллар ошкора юзага чиқа бошлади. Рашк туфайли оиламиз аъзолари олдида шарманда бўлдим. Ҳаттоки, ўз янгамдан (у кишини ўз опамдек кўраман) ҳам рашк қила бошлади. Охири бўлмади, жавобини беришга мажбур бўлдим. Гап нимадалигини билмаган ота-онам мени уришишарди. Эртасига кечга яқин уйга келсам (далада ишлардик) онам уни яна уйга олиб келибдилар. Шунда у билан яхшилаб келишиб олдик. У онт ичди: “Рашк қилмайман”,- деб. Ҳаётимиз икки ойча яхши, уриш-жанжалсиз давом этди. Аммо хотинимнинг яна “эски касали” қўзғаб қолди. Асосли рашк бўлганда-ку, майлику-я, лекин бесабаб сени биров хўрласа, таҳқирласа одамга алам қилиб кетаркан рости. На ишга, на оилага кўнглинг илимай қоларкан. Уйдагилар оиламиз сақланиб қолиши учун алоҳида уй қуриб бериш тараддудига тушишди. Биз бу орада икки фарзандли бўлдик. Янги уй қурилиши битиб, янгича ҳаёт бошладик. Аммо бу ҳам узоққа чўзилмади. Биз янги уйда атиги 1 йилгина яшадик, холос. Яна ўша гап, ўша можаро бошланди. Мен узоқ ўйладим ва шу қарорга келдимки, у билан ортиқ яшай олмайман. Уй-жойимни унга қолдириб Тошкентга ишлаш учун йўл олдим.

Асоссиз рашк туфайли ота-онамдан, ўз уйимдан, фарзандларимдан йироқман. Мени шу кўйга солган аёлимни эслашниям истамайман. Мен у касал бўлганида ташлаб кетишга кўзим қиймай ўқишдан ҳайдалдим. Келажагим барбод бўлди. Унинг учун жонимни ҳам беришга тайёр эдим. Энди эса... Ҳамма орзуларим хазон бўлди.

Бу хатни ёзишимдан мақсад, мени тиз чўктирган тақдиримнинг кўзига тик боқиб, яна бахтимни топишни истайман. Муҳаббат — тўла-тўкис ҳаёт эмаслигини кечроқ англадим.

**Акмал,**
**Қашқадарё вилояти**

# ОСОН ЭМАС БАХТГА ЭРИШМОҚ,...

Жамила билан тиббиёт олийгоҳида танишиб қолгандим. Опамнинг олдига келган эдим. Дарс жадвалига қарасам, ҳали дарслари тугамабди. Гуруҳини излаб юриб, тўсатдан жарроҳлик бўлимида бир қиз жудаям хомуш ва ўйчан ўтирганига кўзим тушиб қолди. Қандай қилиб унинг олдига бориб сўрашганимни билмай қолдим. Қизнинг ғамгин кўзларига боқиб, уни қандайдир дард қийнаётганини кўнглим сезди. Биз бирпасда танишиб олдик. Гапларидан қиз ниҳоятда содда, софдил, пок эканлиги билиниб турарди. Ундан нима учун бу ерда касалхонада ўтирганини сўрасам, жим бўлиб қолди ва тўсатдан йиғлаб юборди. Ниҳоят бир оз ўзига келгач, менга ўз бошидан кечирганларини сўзлаб берди.

Жамила дугонасининг туғилган кунида Беҳзод исмли йигит билан танишган экан. Улар анча суҳбатлашиб юришиб, бир-бирини севиб қолишибди. Қизга “уйланаман” деб, Беҳзод ота-онасига ўз сирини очибди. Лекин ота-онаси: “Топган қизинг оддийгина оиладан экан, улар бизга тўғри келмайди»,- дея қаршилик кўрсатишибди. Шундай гап-сўзлар қизга ҳам бир неча марта айтилибди. Ҳатто қизнинг онаси олдига Беҳзоднинг онаси келиб, норозилигини баён қилибди. Жамила Беҳзоддан воз кечишга мажбур бўлибди. Беҳзод нима қиларини билмай тушкунликка тушиб қолибди. Охири ўзини машина тагига ташлабди. Лекин Худонинг кароматы билан у тирик қолибди. Фақатгина бир неча жойи лат ебди. Касалхонадан уйига қайтгач ота - онасига фақат шу қизни севишини айтиб, розиликларини сўраб ёлворибди. Ота-онаси рози бўлишса ҳам Жамила Беҳзодга рад жавобини берибди. Беҳзоднинг хонадонига рози-ризоликсиз келин бўлиб боришни истамабди...

Бундай зарбадан сўнг йигит яна ўзини машина тагига ташлабди. У ҳозир касалхонада. Лекин аҳволи жуда оғир. Шифокорлар унинг ҳаёти учун курашишди. Операция 4 соат давом этди. Мен ҳам Жамила билан қолиб операция тугашини кутдим. Ниҳоят операция тугади. Беҳзоднинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо шифокор чиқиб: “Унинг асаб системаси ишдан чиққан, тузалиб кетадими-йўқми, бу бизга қоронғу. Барчаси Оллоҳдан”,-деди.

Бу ҳодиса рўй берганига Жамила ич-ичидан ўзини айбдор ҳисоблайди. Жуда сиқилади. У Беҳзоднинг ёнида умрбод қолишга рози, ҳаётини, ёш умрини севгилиси Беҳзодга бағишлаш истагида яшамоқда. Мен ўйланиб қоламан, наҳотки, икки севишган ёш фақатгина ана шундай фожеадан сўнг бахтга эришишга ҳақли бўлса?! Нега ота-оналар кибру ҳавога, манманликка берилиб, фарзандлари бахтига зомин бўладилар? Шу ўйлар мени жудаям қийнаб юборди, эзилиб кетдим. Ҳамма инсонлар ўз севгилиси билан бахтли бўлиб, мен ҳам шу бахтли оилалар қаторига қўшилишни жудаям истардим.

**Ҳилола,**
**Тошкент шаҳри**

# УМРИМИЗ ЎТИБ БОРАРКАН...

Азиз мухлислар! Қувончли ва ташвишли кунларга қоришиқ тарзда умримиз ўтиб бораркан, ўзимиз сезган ва сезмаган ҳолда ҳаётимиз ҳам, ҳаётий қарашларимиз ҳам ўзгариб боради. Бир вақтлар ҳатто жондан ҳам, бутун борлиқдан ҳам азизу мукаррам кўринган одамлар, буюмлар вақт ўтган сайин кўз ўнгимизда ўз қадр-қимматини йўқотиб боравераркан.

Газетамизнинг шу йил 26-сонида "Уни яна йўқотишни истамайман" (1999 йил 11-сон) сарлавҳали дил изҳорини такроран чоп этган ва қаҳрамонимиздан бугунги ҳол-аҳволидан бизни хабардор этишини сўрагандик. Ундан келган хатни ўқирканмиз, юқоридаги каби фикрлар кўнглимиздан кечди. Ва... яна бир қатъий хулосага келдик: Инсон бошига не ташвишу ғам тушмасин, тушкунликка тушмаслиги, ғururини топташларига йўл қўймаслиги, ўзини йўқотиб қўймаслиги, ўзлигини, қадр-қимматини қайтадан тиклаб олиши учун куч-қувватни ўзидан топиши зарур... Қуйида ўша дил изҳорининг давомини ўқиркансиз, сиз ҳам фикрларингизни албатта ёзиб юборасиз, дея кутиб қоламиз, азиз юртдошлар!

*Таҳририят*

## Дил изҳоридан сатрлар:

"Менинг юрагимга беғубор болалик чоғимда (12-13 яшарлигимда) ишқ олови тушган эди..."

"Ўн йилдан ортиқ ошиқ-маъшуқ номини олсак-да, бир бор қўлимдан ушламади, бир бўса олмади мендан..."

"Аммо... бошқа бировга турмушга чиқдим..."

"Йиллар ўтиб икки фарзандли бўлдим... "

"Иттифоқо, бир бахтли ва бир бахтсиз кунда унинг уйига кириб бордим..."

"Бизни боғлаб турган севги ҳеч қандай таъмасиз, беғубор севги..."

# ФАҚАТ МЕҲНАТГИНА ХОРЛИК, ЗОРЛИКДАН АСРАДИ

Дил изҳорининг давоми



**Ҳурматли "Оила ва жамият" ходимлари! Мен газетангизнинг 1999 йил 11-сонида берилган "Уни яна йўқотишни истамайман" мақоласи муаллифиман.** Мақолани яна газетада кўриб жуда хурсанд бўлдим. Газетанинг одамлар тақдирига эътибори юқори эканлигидан мамнун бўлдим. Мен газетанинг битта сонини ҳам қолдирмай ўқийман. Қўлимда қолган охирги пулга ё нон, ё газета олишим керак бўлса, ҳеч иккиланмай шу газетани оламан. Бу гапим асло лоф эмас. Унда менинг анча мақолаларим босилган. Шу йилги сонларидан иккитасида менинг ҳаёт йўлим ҳақидаги жуда катта мақолам босилган эди. Мен шу беш йил ичида шиддатли воқеаларни бошимдан кечирдим. Бу воқеаларнинг ҳар бири бир катта ҳикоя бўлгулик. Мен сизларга осмонларга кўтариб ёзганим биринчи муҳаббатим ҳақида неча марта ёзишга чоғландим. Газетада берилиб бораётган баъзи менинг тақдирдошларимнинг мақолалари ҳам мени кўп марта ёзишга ундади. Очиғи ҳафсалам бўлмаётганди. Энди эса ёзмасам бўлмайди. Бу орада мен турмуш ўртоғим билан ажрашдим. Балки у сенинг босаётган қадамингни билиб қолгандир, дерсиз? Йўқ, менинг бу сиримни худо яширди. Қолаверса, мен уни қанчалик севмайин хиёнатга ярим қадам ҳам ташламадим. "Наҳотки", дерсиз? Мен тадбиркор аёл эдим. У мижоз сифатида озроқ ўтириб гаплашиб кетарди. Шу эди бизнинг учрашувимиз. Мен мақоламда эрим ҳақида умуман гапирмаганман. Энди ҳақиқатни ёза қолай. Мен эрим билан 18 йил яшадим. Бошда 2-3 йил яхши яшадик. Кейинчалик у пулдор бўлгандан кейин мен кўрмаган қора кун қолмади. Оғзидан "ажраламан" сўзи тушмади. Қилдан қийиқ ахтариб мени калтакларди. Нафасим чиқмай қолганча бўғарди, сўнгра аямай тепкиларди. У мени менсимай: "Сен менга арзимайсан, сен билан яшашни истамайман, сен ҳам, болаларинг ҳам керакмас", - дерди. Мен кўз ўнгимда одамнинг шунча ўзгарганлигидан ҳайрон бўлардим. Баъзан бирон нарсадан жанжал чиқариб нарсаларимни кўчага улоқтириб: -"Мен келгунча уйда қорангни кўрмай", - деб уйларни қулфлаб, калитларни киссасига солиб олиб кетарди. Бу ҳолат 15-20 кунлар давом этарди. "Қандай кун кўрардинг", - деяпсиз, албатта. Мен ошхонамизда болаларимни олиб ўтирардим. У ишдан келиб, эшикларни очгач, ўзимни гўлликка солиб музлаткичдан (у ичкари уйда эди) у-бу олиб овқат қилардим ва унга официанткадай хизмат қилардим. У эса ҳеч нарсани кўрмаётгандай телевизорга қараб бўзрайиб ўтираверарди. Бир оғиз сўз қотмасди. Болаларини сўрамасди ҳатто. Эрталаб эса ошхонага бош суқиб: "Сенда ўзи ор-номус борми, кечқурун мен келганда уйда қорангни кўрмай, эшитдингми?"- деб чақиб кетарди. Бир жойдан ичиб қаттиқ маст бўлиб келардида, биз билан ўзича ярашарди. Унинг бундай муомаласидан юракларим порапора бўлса-да, ота уйимга бирор марта кетиб қолмадим. Пароканда юрак дардларимни ўзим билан ўзим бўлишдим. Ғам чекавериб, озиб қорайиб кетдим. У энди очиқ-ойдин менга қарата: -"Сен кет, мен ҳаётимни бошқатдан бошлайман. Сен менга арзимайсан, машинада олиб юришга, у-бу жойга олиб боришга ярамайсан", - дейдиган бўлди. Юрагим зардобларга тўлиб кетган кунларнинг бирида мен илк муҳаббатимни излаб топдим. Мен яшашдан тўйиб кетгандим. Ўлгунимча уни бир кўрсам дердим. Эҳтимолки, ана шу илинж билан яшаб қолдим. Кейинчалик мен ўз ишимни ташлаб, тадбиркорлик қила бошладим. Ишларим яхши бўлиб кетди. Қўш қават уйлар қуриб, қўшалаб машиналар олдик.

Мен у йигитга ҳам анча ёрдам бердим. Ўзимдаги товарлардан ўз нархига бериб турдим. У институтни тугатган бўлса-да, ишламасди. Хотинининг ойлиги нима бўларди. У ўзини анча тиклаб олди. Унинг иши мендан товар олиб кетиш ва пулни олиб келиш эди, холос. Уларни айлантириб сотиш эса хотинининг зиммасида эди. Мен бу билан иш бўлмаслигини, мақсадни катта қўйиб ўзиям ҳаракат қилиши кераклигини кўп бора такрорладим. Бироқ натижасини кўрмадим. Бора-бора у пулдан тортадиган, мендан (топширгани бордай) кўпроқ яхши моллар олишга ҳаракат қиладиган бўлди. Қарзлари кўпайиб кетди. Мен пулни талаб қилганимда "эрингга айтаман",- дегандай гап қилди. Шундагина мен олтин деб юрганим - мис эканлигини билдим. Албатта мен унинг бу пўписасидан қўрқмадим. Менинг унга товар бераётганлигимни ҳисобга олмаганда орамизда ёшликдаги норасида севгидан бўлак ҳеч нарса йўқ. Энди мен унга ҳеч нарса бермай қўйдим. 2-3 марта келиб ранг-рўйи бўзрайиб қуруқ қайтиб кетди. Юрагимдаги унга бўлган муҳаббат нафратга айланди. Хуллас, мен кетган пуллардан воз кечдиму у билан алоқани уздим. Демак, у уйда бекорга ўтирмаган, ишни ҳам ёлчитиб ишламаганки, "қисқартиришга" тушган, қўлидан бирон иш келмайдики, мен айтган маслаҳатлардан биронтасига юрмади. Бир содда аёлнинг беғубор севгиси эвазига келаётган текин пуллар унга мойдай ёқиб қолган. Демак у мени ҳеч қачон севмаган. Мен хиёнат ботқоғига ботмаганимга минг бора шукур қилиб, эсим борида этагимни ёпдим. Уни излаб топганимга ва кимлигини билганимга худога шукрона қилдим. Юрагим бўм-бўш бўлиб қолди. Ҳавога кетган пулларни болаликдаги бокира севгига қурбон қилдим. Ҳамма нарсадан совиб кетдим. Биттаси севаман, деб олиб умримни тупроққа қориб булғаяпти, ишёқмас, ғаламис... Бошқа биттаси менинг муҳаббатимдан фойдаланиб бойиб олмоқчи. Ундан кўра хўрласаям ўзимнинг эрим яхши экан, деб, эримга ҳурматим янада ошиб, урганини ун оши қилиб юравердим. Бироқ у айтганини қилди. Ариза бериб ажралди. У турмушимиз давомида шунга зимдан ҳозирлик кўриб борган экан. Уй-жой, машина каби нарсаларни бировларнинг отига расмийлаштирган экан, топган-тутганимизнинг 95% унда қолди, мен ва болаларим кичкина бир бошпанага эга бўлдик. Ҳаёт катта бир дарс бўлди менга. Собиқ эрим мени қулдай ишлатиб, 3 та машинани қўлқопдай алмаштириб миниб юрибди. Мен ва болаларимнинг киймаган кийими, емаган овқати эвазига қурилган қўш қаватли уйдаги бассайнларда чўмилиб ҳордиқ чиқаради. У ҳовли мендан кейин аллақачон иккита аёлни кўрди. Менинг эса эркак зотидан бутунлай кўнглим қолди. Уларнинг ҳаммасига менинг меҳнатим ва пулим керакдек туюлади, менга. Мен табиатан меҳнаткаш бўлганлигим учун яна йўлимни топиб кетдим. Энди топган-тутганимни ўзим ва болаларимнинг фаровонлиги йўлида сарфлаяпман. Дадаси болаларининг келажагини ўйламай, фақат ўзининг маишатини кўзлаб, бизларни аро йўлда қолдириб кетди. У тошбағир бундан заррача афсусланмаса ҳам керак. Болаларимнинг бўйи бўйимдан ўсиб кетган бир пайтда дадасининг қилган ишидан кўп хафа бўламан. Ўзимни эримнинг олдида бунчалар ерга уришимнинг боиси шу болалар эди. Уларни ота-она сифатида бошида туриб, уйлантириб, турмушга берсак қанчалар яхши бўларди. Лекин менинг айтганим эмас, худонинг айтгани бўлди. Яратганнинг бу ишида бир яхши ҳикмат кўраман, бир золим, баттол, очкўз одамнинг қўлида калтакнинг зарбидан итдай хор бўлиб ўлишдан сақлагандир мени. Хуллас, эрим ҳам, у йигит ҳам одам қиёфасидаги иблислар экан. Улар менинг азиз умримнинг бир сониясига ҳам арзимас экан. Булар қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқат. Мен бу тушкун ҳолатдан чиқиш учун ўзимни меҳнатга урдим. Меҳнат мени хорлик, зорликдан олиб чиқди ва яшашга ундади.

Севги масаласига келсак у бор... Севган одамлар бировга ёмонлик қилмайдилар, уларнинг юраги бунга қодир эмас. Менинг севгим соф эди, буюк эди, лекин у саробга интилган экан. Эндиликда мен эрнинг паноҳидан воз кечиб, Оллоҳнинг паноҳига ўзимни олдим, соғинадиганим ҳам, суянадиганим ҳам ёлғиз у, зотан фақат угина беназир, фақат угина севилишга лойиқ экан.

*Сизлар - ила яхши кунларда кўришиш умиди билан*

**М.**

# НОРДОН БЎЛСА ҲАМ ФОЙДАЛИ



**Дунёда сирканинг (уксус) нималигини билмайдиган одам бўлмаса керак. Кўпчилик ошхонада ишлатиладиган сунъий сиркадан фойдаланади. Олманинг сиркасини эса шифобахш бўлганлиги учунгина яхши билишади. Аслида сирканинг соғлиғимиз учун фойдали турлари кўп. Куйида шулар ҳақида маълумот берамиз.**

## ОДДИЙ КАШФИЁТ

10 минг йиллардан буён, яъни виночилик пайдо бўлганидан бошлаб сирка ва унинг хусусиятлари одамларга маълум. Қадимда одамлар вино солинган идишнинг устини 2-3 ҳафта очиқ қолдиришганда ачиб, сиркага айланишини англашган. Шунда кимдир ачиб қолган винони тўкиб ташламасдан ундан фойдаланишни ўйлаб топади. Кейинчалик кашф этилган ушбу маҳсулотнинг ноёб хусусиятлари борлиги ҳам аниқланган. У маҳсулотларни бузилишдан сақлаган. Гўштдаги қаттиқ толаларни юмшатишда, овқат тайёрлашда ишлатилган.



Кейинчалик эса винони атайлаб ачитиб, сирка тайёрлайдиган бўлишган. Унинг турлари ҳам кўпайган. Оқ, қизил вино сиркаси, олма, гуруч ва бошқа маҳсулотлардан ҳам сирка тайёрлай бошлашган. Кейинчалик эса одамлар сунъий сирка тайёрлашни ҳам кашф қилишган.

## УЗУМ СИРКАСИ

Дунёдаги барча ошхоналарда олма сиркаси билан бир қаторда узум сиркаси ҳам кўп ишлатилган. Уни узум виносини ачитиш натижасида тайёрлашган.

Узум сиркасидаги фойдали моддалар олманикига қараганда, кислоталарга анча бойдир.

Биологик кислоталар табиий сиркаларнинг шифобахшлилигини таъминлайдиган асосий моддалардир.

Узум сиркасининг ёрдами билан умумий қувватсизлик, асаб тизимининг толиқиши ва камқонлик даволанади.

Бу касалликлар инсон танасидаги модда алмашинув бузилишидан келиб чиқади. Сирка эса камқонликни даволаш билан бирга, баланд кўтарилган қон босимини ҳам туширади.

Агар олма сиркаси овқат ҳазм қилиш тизимини меъёрлаштирса, узум сиркаси нафас олиш тизимини даволаш хусусиятига эга. Уни йўтал, бронхит, ўпка шамоллаши, сил касаллигида балғам кўчириш учун ишлатилади.

Узум сиркаси айниқса ошқозон-ичак касалликларини даволашда кенг фойдаланилади. Уни асал билан аралаштириб қабзият, жигар, буйракда тош пайдо бўлишининг олдини олишда ишлатилади.

Узум сиркасининг тайёрини ҳам сотиб олиш мумкин. Лекин, уни уйда тайёрласа ҳам бўлади. Бу қийин эмас.

**Бунинг учун 1,5 кг. эзилган узум уч литрлик банкага солиниб, 200 гр. шакар ва 1,5 литр сув қўшилади. Шундан кейин банканинг устини икки қаватли дока билан маҳкам ёпиб, ачитишга қўйилади. Сирка уч ойдан кейин тайёр бўлади. Бундай усул билан тайёрланган узум сиркаси яхши таъм ва хушбўй ҳидга эга бўлиб, таркибида 5% ли сирка кислотасига эга бўлади.**

## НАРХИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Қадимги Рим империяси зодагонлари орасида сирка бальзами машҳур бўлган. Ўнлаб шифобахш моддалар мавжуд бу бальзам бетакрор хушбўй хусусиятларга эга бўлгани учун уни жуда қадрлашган. Бальзамнинг бир неча томчиси никоҳ кечаси келин-куёвларни турли кўнгилсизликлардан асраб, эҳтиросли туйғулар бахш этар экан. Шунингдек, уйқусизлик, турли асабийлашиш ҳолларида кенг фойдаланилган. Айтишларича, ўша даврларда сирка бальзамининг нархини олтин билан тенг баҳолаган эканлар.

### Райҳонли сирка

0,5 литр сиркани очиб ичига райҳоннинг 2-3 дона баргли шохчаси солинади. Сиёҳ рангидаги райҳон бўлса яна яхши. Райҳонли сирка танадаги қон айланиш фаолиятини яхшилайди. Ошқозон заҳарланганда ва оғриганда тавсия этилади. Карам ва лавлагидан қилинган салатларга қўшилса хушхўр бўлади.

### Саримсоқпиёзли ва лимонли сирка

Сиркани шишага қуйишда ичига саримсоқпиёз бўлаклари, пўсти билан майдаланган лимон, ҳамда, шивитнинг 3-4 дона шохчалари солинади. Бу сирка тананинг турли касалликларга қаршилигини кучайтириб, шамоллаш, гриппнинг олдини олиш ва хотирани тиклашда фойдалидир.

### Узум барги ва лимонўтли сирка

500 грамм ювилмаган узум барглари устига бир литр қайноқ сув қуйилади ва 200 гр. шакар солинади. Банканинг усти дока билан ёпилиб қоронғу ва илиқ жойга бижғитиш учун қўйилади. Уни тез-тез аралаштирилиб турилади. Бижғитиш тўхтагач (50-60 кундан сўнг) сирка ичига лимонўт солинган тоза банкага қуйилади. Шундан сўнг металл қопқоқ билан беркитилиб, сақлаш учун олиб қўйилади.

## УЛАР ДЎКОНДАН ТОПИЛМАЙДИ




Сирка турлари ичида, айниқса резавор-мевали сиркаларга эътиборни кўпроқ қаратиш керак. Сирканинг бу тури совуқ сув билан аралаштирилганда кислотани кам ажратиб, ажойиб мевали шиннига айланади. Бундай сиркалар дўконлардан топилмайди. Шунинг учун уларни ҳар бир уй бекасининг ўзи тайёрлагани маъқул. Уларнинг ҳаммаси ўзига хос бетакрор хусусиятларга эга.

- Қора смородинали сирка танани мустаҳкамлайди. У винодан тайёрланган сиркага ўхшаб кетади. Ўзига хослиги шундаки, танадаги ортиқча модда ҳамда сийдик кислотасини чиқариб юборишга ёрдам беради. Шунинг учун бод ва падагра касаллигини даволашда фойдаланилади.
- Маймунжон ва малинадан тайёрланган сирка иссиқни туширишда турли шамоллаш, безгак ва бош оғриғини даволашда ишлатилади.
- Олчали сирка - марказий асаб тизимини даволашга ҳамда тинчлантиришга катта ёрдам беради. Шунингдек, асабийлашишнинг олдини олади.
- Қулупнайли сирка - юрак хасталикларига шифо беради. Жигар ва буйракдаги тошларни тушириб, шу аъзоларда тош пайдо бўлишининг олдини олади.
- Қизил смородинали сирка - иссиқни тушириб, танадаги тузларни чиқаришга ёрдам беради.
- Чакандали(облепиха) сирка - яраларни тез тузатиш хусусиятига эга. Янги сиқиб олинган мева шарбати шиша банкага қуйилиб, устига биронта сиркага ботириб олинган қора нон бўлаги солинади. Банкани илиқ, иложи бўлса иссиқ жойга қуйилади. 3-4 ҳафтадан сўнг эса у бошқа идишга қуйилади.

**Б. САЙДАЛИЕВА**
**тайёрлади**

# ТОТЛИ, ТЎЙИМЛИ, ФОЙДАЛИ




***Самарқандлик 70 ёшли Иноятулло бобо Неъматов ўз хонадонида тайёрлаб танаввул қилинадиган таомлар ҳақида маълумот беради:***

## ЁПИЛГАН ЮПҚА

Оширилган хамир зувалаларга бўлиниб, ўртача катталикда ёйилади. Та



гида олови ловуллаб турган қозонга биринчи ёйма (юпқа) ташланиб, устига бир қошиқ пишган қаймоқ суркалади ва унинг устидан иккинчи ёйма ташланиб, ёйма ағдарилади ва яна бир қошиқ қаймоқ суркалиб, учинчи ёйма ташланади.

Шу зайлда тўртинчи, бешинчи ва ҳоказо ёйма кетма-кет тахланиб, юпқа қатлами қалинлашаверади.

Ҳар 15-20 юпқа қатлангач тоғорага олиниб, иккинчи қатлам юпқа тайёрлаш давом эттирилади. Тайёр юпқа дастурхонга ўралиб, 10-15 дақиқа димлаб қўйилади.

Сўнгра юпқа қуймоқ шаклида букланиб, лаганларга қатланади ва дастурхонга келтирилади. Серқаймоқ юпқа ҳил-ҳил ҳолга келади. Унинг антиқа таъми димоқни қитиқлайди, мазаси оғзингизда бир умрга қолади.

## ҒИЛМИНДИ

Хамир зувалалар ёйилиб, қозонда барча ёймалар қизди-



риб (қотириб) олинади. Шу қозонда ёғи олинмаган сутда атала тайёрланади. Ааладан бўшаган қозонга зиғир ёки сариёғ солиниб, тафти баланд оловда қиздирилади. Тайёр ёймаларнинг ҳар бирига меъёрида атала суркалиб, иккига букланиб, кетма-кет қозонда қизиб турган ёғда токи қизаргунча (ботириб) ушлаб турилади (қўлда). Тайёр ғилминди лаганларда дастурхонга келтирилади. Ғилминдининг қозондаги жаз-жузи, ёғнинг димоқни қитиқловчи ҳиди иштаҳа очади.

## ШИРКАДИ
***(ширқовоқ)***

Паловкади (картошка қовоқ) тўртбурчак шаклида тўғралади. Қозонда қаймоғи олинмаган сут қайнатилиб, қайнаб турган сутга тўғралган кади



кетма-кет солинади ва чўмичда тўхтамасдан қўзғаб турилади. Қозонга бир пиёла ун солинса, овқат янада тўйимли бўлади. Тайёр ҳолга келган ширқовоқ бироз қуюқлашади. Овқат косаларда дастурхонга тортилади. Косага ошкўклардан солинса, овқат янада тотли бўлади. Ширкади витаминга бой, ўта тўйимли бўлиб, уни бир бора истеъмол қилган кишининг кўнгли яна тусаб қолади.

## КАДИ БИЧАК
***(қовоқ сомса)***



Ошкади қирғичдан ўтказилиб, сўнгра ўртачадан кичикроқ ёйилган ёймага меъёрида солинади ва ёйма иккига букланади. Кетма-кет тайёрланган ёйма оқарган тандирга нон сингари ёпилади. Ҳар битта узилган бичак тоғорага солиниб, унинг устидан бир қошиқ пишган қаймоқ суртилади. Бичак тоғора тўлгунга қадар тахланаверади. Тоғора тўлгач, у 10-15 дақиқа дастурхонга ўраб қўйилади. Дастурхон очилганда, бичак ҳовури осмонга ўрлайди. Ҳил-ҳил ҳолга келган бичак ёшга ҳам, кексага ҳам бирдек маъқул бўлади. Тандирда ёпилган бичак тўйимли, сервитамин ва ўта мазалидир. Бичакни газ ёки электр печининг духовкасида ҳам тайёрлаш мумкин.

**Ҳ. ХАМРОЕВ**
**тайёрлади**

# ЎША СОАТДА, ЎША ЖОЙДА...

**Бу сўзлар севишганларнинг энг яхши пароли (сирли келишуви) ҳисобланади. Лекин қизлар, узрли сабабларни ҳисобга олмаганда, йигитлар билан учрашувга кўпинча кечикиб келадилар. Бу негадир одатий ҳолга ҳам айланиб қолган. Йигитлар қизларни кутиш лаҳзаларида ўзларини қандай тутишларига разм солиб, уларнинг феъл-атворини аниқлаш мумкин экан.**



**Синалган ҳақиқатлар**

**У чидамсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юраяпти. Кутишга тоқати етишмаяпти.**

Бундай йигитлар лов этиб ёнадиган шошқалоқдирлар. Ана шу туфайли баъзида хато қилиб қўядилар-да, кейин пушаймон бўладилар. Улар чидамсиз, ўта ҳиссиётли, тез ўзгарувчан. Бундайлар аёл қалбини ҳам узоқ вақт учрашиб, ўйланмасдан тезда забт этишни истайдилар. Агар истаклари амалга ошмаса, дарҳол тушкунликка тушадилар-да, қизни аста-секинлик билан ром қилиш ўрнига, фикр хаёлларини тезда бошқа қизга қаратиб қўя қоладилар. Улардан яхши дўст, яхши турмуш ўртоғи, яхши ота чиқиши мумкин, лекин ўзгарувчанликлари сабабли бошқа бировларга илакишиб кетишлари ҳам ҳеч гап эмас. Оилавий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам ўз қатъий фикрларига эга бўла олмайдилар. Улар ўзларига яхши гапирган ҳар қандай инсонни дўст деб ўйлайди. Аччиқ гапириб, тўғрисини айтиб, ёмон йўлдан қайтармоқчи бўлганларни душманга чиқарадилар. Шундай феъл-атвор туфайли ҳеч қачон дўстлари бўлмайди. Охир-оқибатда руҳан ёлғиз бўлиб қоладилар. Лекин буни сезишга ҳам қодир эмаслар.

**Чидам билан кутади ва вақтини бекор ўтказмаслик учун газета, журнал, китоб ўқиб ўтираверади.**

Бу тоифадаги инсонлар унча-мунчага кайфиятлари, асабларини бузмайдилар. Чидамли, иродали, тинч одамлар. Ҳар қандай вазиятда ҳам фойдали бирор-бир юмушни топадилар. Ана шу хислатлари сабабли ўз ҳаётларини ҳам изга солиб, кераклि ва фойдали бўлган бирор бир иш билан шуғулланиб кетаверадилар. Ҳар нарсага асабларини бузмайдилар. Агар бирор-бир нохушлик содир бўлса, ваҳимага тушмай, барча аламни ичига юта биладилар ва нохушликдан қутулиш йўлини излайдилар. Ўз қадр-қимматларини яхши билиб, керакли пайтда керакли даражага қўйишга қодирлар. Чидам билан бошлаган ишни охиригача етказа билиш қобилияти сабабли, юқори мартабаларга эришишлари мумкин. Севган қизларини чидам, сабр-қаноат билан узоқ вақт кузатадилар. Ўзларига лойиқ деб топсаларгина уйланишга жазм қиладилар. Турмушлари тинч-осуда кечиб, мустаҳкам оила қуришга қодирлар. Ишончли ва садоқатли дўстлари кўп бўлади.

**Ўриндиқда ўтириб, кўзларини юмади-да, ўзини бўш қўйиб хаёлга чўмади.**

Бу тоифа йигитлар жуда хаёлпараст бўлишади. Сиз билан сўзлашиб турган пайтида ҳам, хаёллари узоқ-узоқларга кетиб қолиши, баъзида тарки дунё қилган инсонларга ўхшаб кўринишлари мумкин. Ҳаётда ўзлари учун кераксиз масалалар ечилаётган пайтда ўзларини лоқайд тутадилар. Гарчи ўзларидан бирор бир фойдали фикр чиқмаса-да, ўзгалар фикрига қўшилишни ёмон кўришади. Бундайлар қизлар билан учрашганда уларга ўз сўзларини ўтказиб, фикрларига уларни шерик қилолмайдилар. Сабаби бунга куч-қудратлари етмайди. Натижада қизлар уларни тезда қўлга олиб, ўз ҳукмларини ўтказишга тушадилар. Ҳали учрашув давридаёқ ўз эркини биров қўлига осонгина тутқазишлари ҳеч гап эмас. Оилавий ҳаётда жуда зерикарли бўлишади. Оила шароитини ўзгартириш учун бирор-бир фойдали нарсани ўйлашга қодир бўлмасликлари мумкин. Ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиб, "куним ўтса - қурбон ҳайит" - деб юришлари ҳам мумкин. Оиладаги ўз вазифаларини осонгина турмуш ўртоқлари елкасига ағдариб қўя қоладилар. Бўш пайтларини телевизор ёнида ёки диванда ухлаш билан ўтказишни хуш кўрадилар. Турмуш эса ўтаверади.

**Кутиш пайтини тезлаштириш, ёки зерикмаслик учун шу атрофдаги инсонни суҳбатга чорлаб, бирор бир масалада гаплашиб ўтираверади.**

Кутишга чидамсизлик қилиб, дарҳол нотаниш кишилар билан суҳбатга киришиб кетадиган йигитлар ўзларига ишончсиз, қўрқоқ, ҳар нарсага ҳадиксировчи бўлишади. Қонун-қоидага сўзсиз бўйсунишади. Бирор бир муаммо чиқиб қолганида тезда уни ечиш чораларини топишга қодир эмаслар. Аксинча ваҳимага тушиб, нима қилишни билмай қоладилар. Ҳеч қачон вазиятни бошқариб, бирор бир чора кўришни ўз зиммаларига ололмайдилар. Ҳар кунги ҳаётлари тинч ва осуда кечаётган бўлса ўша ҳаётга кўникиб яшайверадилар. Бу ҳаётни янада яхшилаш ёки унга янгиликлар киритишни истамайдилар. Умуман ўзгаришларга, воқеаларга бой ҳаётни ёқтирмайдилар. Бу тоифа йигитлари ўз оилалари, ўз турмуш ўртоқларига ниҳоятда содиқ бўлишади. Лекин ўз жиловларини, ўз ҳамёнларини ўзгалар қўлига осонгина тутқазиб юбораверадилар. Ичларида гап турмайди, тилларига нима келса дарҳол бировга айтадилар. Оиланинг сирлари кўчада бўлади.

**Кутиш пайтида теварак-атрофда бўлаётган ҳодисаларга ўта синчков муносабатда бўлиб, кимгадир танбеҳ бериши, тартибга чақириши ҳеч гап эмас.**

Бу тоифа йигитлар ҳар қандай вазиятда ҳам воқеалар тизгинини ўз қўлларида маҳкам ушлашга одатланганлар. Кўплари бирор бир корхонада "қаттиққўл" раҳбар бўлишлари мумкин. Уйда ҳам ўзлари хўжайин бўлишади. Ўз турмуш ўртоқлари билан ҳам муносабатда юқоридан туриб муомала қиладилар. Гўё хотин унинг ҳамма буйруғини, амрини сўзсиз бажариши шартдек. Ана шундай йигитлардан жаҳлдор, жоҳил, қаттиққўл эр, ота ва раҳбарлар чиқади. Улар билан бир уйда яшайдиганларга, ёки раҳбарлик қилаётганида қўл остида ишлайдиганларга асло ҳавас қилиб бўлмайди. Оилапарвар бўлишади, тартиб-қоидани, озодаликни яхши кўрадилар. Оила масъулиятини тўлалигича ўз зиммаларига оладилар. Агар яқинлари барча айтганларига чидашса ўз оиласини яхши таъминлаб, ҳар томонлама тўкис ҳаётни ўрнатишлари мумкин.

**Кутиш пайтида чидамсизлик билан ҳали галстугини тузатади, ҳали қўлидаги газетани у ёқ-бу ёққа силкитади, гулдастасини у қўлидан бу қўлига олади, рўмолчасини олиб терини артади ва ҳоказолар...**

Бу тоифа йигитлар ўта ҳиссиётли, нозиктаъб ва эҳтиросли бўлишади. Сезгирликда ҳам уларга бас келиб бўлмайди. Зимдан қараб сўзсиз жуда кўп нарсаларни тезда илғаб олишади. Шу билан бирга жуда очиқ кўнгил бўлишади. Ўз изтиробларини, севги бобидаги ёки бошқа масалалардаги муаммоларини ичларига сиғдира олмай ўтганга айтишлари, арзимас нарсаларни ҳам катта муаммодек қабул қилишлари мумкин.

Бу тоифа йигитлар кўпинча севги муаммолари туфайли азият чекадилар. Ўта рашкчи бўлишади. Ҳатто ўзлари севган қизга уйланиб бахтли яшаётганларида ҳам ҳар хил гумонлар, рашк ичэтларини кемиради. Уларни бу вазиятдан севимли, чидамли, оғир-босиқ рафиқаларгина қутқара олишлари мумкин. Меҳрибон хотинлари ҳар дамда "севаман" деб турса, ғамхўрлик кўрсатса оилалари мустаҳкам бўлади.

**Тоқатсизлик, чидамсизлик билан асабийлашади. Ҳадеб соатига қарайверади.**

Олдингизда ана бундай инсонни кўрсангиз билинг-ки, табиатан жанжалкаш, чидамсиз йигит. У ўзини ҳамиша ҳақ деб ўйлайди. Ҳамма нарса унинг айтганидек бўлиши, кўнглидагидек кечиши шарт. Шундай бўлишига эришиш учун ҳар қандай инсон билан тортишишга тайёр туради. Бундай тоифадаги йигитларнинг юқори лавозимларга эришишлари қийин. Эришганда ҳам узоқ вақт шу ҳолатда туролмайдилар. Ҳар бир муваффақиятсизликда ўз хатоларини мулоҳаза қилиб, тузатиш ўрнига сабабини бошқалардан излайдилар. Айбни ҳар кимнинг бўйнига тақаб, ўзларини оқлаб тураверадилар. Чиройли, ақлли ва яхши инсон билан турмуш қуришни исташсада, фақат кўримсиз, индамас, бир сўз демай эрнинг ҳукмини бажарувчи, сичқондек қўрқоқ аёллар билангина, агар улар ҳам бундай туруқсиз эрдан ажрашиб кетиб қолмасалар яшай оладилар.

x x x

Хуллас юқоридагилардан хулоса чиқаринг-да, турмуш ўртоқ танлашда адашманг.

**Лола АҲМЕДОВА**
**тайёрлади**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Оила ва жамият

**Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.**

**Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20**
**Табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 840. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16314
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **С. ФАХРИДДИНОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

2 3 4 5 6